БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАҒАН ● № 4 (19.380). ● 1986 йил 5 январь, якшанба ● Баҳоси 3 тийин.

КПСС XXVII съезди ва Ўзбекистон Компартияси XXI съезди шарафига

АГРОСАНОАТ КОМПЛЕКСИ ЯНГИ БОСҚИЧДА

Иттифоқимизнинг яхлит халқ хўжалик комплексида мамлакатни озиқ-овқат маҳсулотлари ва зарур хом ашё билан таъминлашда қишлоқ хўжалиги ғоят муҳим роль ўйнайди. Шунинг учун ҳам партиямиз қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши ва у билан боғлиқ тармоқлар ўсиб бораётган эҳтиёжларимизга мувофиқ ривожланиши проблемаларини доимо диққат марказида тутиб, изчиллик билан ҳал қилмоқда. Бу борада КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил май Пленуми муҳим босқич бўлди. Шу Пленум қарорларига мувофиқ қишлоқ хўжалиги ва аграр-саноат комплексининг бошқа тармоқларини бошқаришни яхшилаш юзасидан амалга оширилган тадбирлар туфайли ишлаб чиқаришни ўстириш ва аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда жиддий ижобий силжишларга эришилди.

Шу билан бирга, май Пленуми қарорларини амалга ошириш жараёнида Иттифоқ ва республика даражасида агросаноат комплексини бошқариш структураси ҳали мукаммал эмаслиги маълум бўлди. Қишлоқ хўжалигининг қайта ишлаш саноати билан зарур ишлаб чиқариш алоқаларини кўнгилдагидек йўлга қўйишда, колхоз ва совхозлар билан хизмат кўрсатувчи ташкилотларнинг ўзаро муносабатларининг иқтисодий механизмини такомиллаштиришда муайян қийинчиликлар рўй берди. КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил апрель Пленуми бу муҳим масалага жиддий эътиборни қаратди. «Ернинг хўжайини ягона бўлишига ва Озиқ-овқат программасининг бажарилиши учун бутун жавобгарлик агросаноат бирлашмалари зиммасида эканлигига бизнинг ишончимиз комил бўлса [бунга ҳеч ким шубҳаланмаса керак, деб ўйлайман], — деб таъкидлади М. С. Горбачев апрель Пленумида, —у ҳолда барча босқичларда яхлит, бир бутун комплекс сифатида агросаноат комплексини бошқариш, планлаштириш ва пул билан таъминлаш имконини берадиган тадбирларни амалга ошириш керак».

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети апрель Пленуми кўрсатмаларига амал қилиб, «Агросаноат комплексини бошқаришни янада такомиллаштириш тўғрисида» қарор қабул қилдилар. Қарорда зарур деб топилганидек, СССРнинг Иттифоқ-республика Давлат агросаноат комитети тузилди. Шу қарорга мувофиқ Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ҳам республика агросаноат комплексини бошқаришни такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги министрлиги, Ўзбекистон Қишлоқ қурилиши министрлиги, Ўзбекистон ССР Гўшт ва сут саноати министрлиги, Ўзбекистон ССР Озиқ-овқат саноати министрлиги ва Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш-техника таъминоти давлат комитети негизида Ўзбекистон ССРнинг иттифоқ-республика Давлат агросаноат комитетини тузди. Ўзбекистон ССР Тайёрлаш министрлиги Ўзбекистон ССР иттифоқ-республика Ғалла маҳсулотлари министрлигига айлантирилди.

Эндиликда Ўзбекистон ССР иттифоқ-республика Ғалла маҳсулотлари министрлиги, Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги, Балиқчилик хўжалиги давлат комитети, Ўрмон хўжалиги министрлиги ҳам республика агросаноат комплекси системасига киритилади ва улар ягона бир бутун ташкилот сифатида планлаштирилади ва маблағ билан таъминланади. Шунингдек, республика Давлат агросаноат комитетига Ўзбекбирлашув [Уставда кўзда тутилган функциялар ва ҳуқуқларини сақлаб қолган ҳолда] ҳам киритилади.

Агросаноат комплекси фаолиятида янги босқич бўлган муҳим ҳужжатда кўзда тутилган тадбирлар, авваламбор қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришда янада тезроқ ўсишни таъминлаш ва аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини қондиришга қаратилгандир. Агросаноат комплексини ҳамма даражада бир бутун ташкилот сифатида планлаштириш, маблағ билан таъминлаш ва бошқаришга ўтилиши ядровий тарқоқликни бартараф этади, қишлоқ хўжалиги, қайта ишлаш саноати ва хизмат кўрсатувчи тармоқлар ўртасида интеграцияни кучайтиради, хўжалик юритишнинг иқтисодий механизмини янада яхшилаш учун зарур шарт-шароитлар яратиш имконини беради.

Мамлакат тараққиётининг янги босқичида партия қўйётган вазифалар нуқтаи назаридан қаралганда бўлса, республика қишлоқ хўжалиги ва агросаноат комплексининг бошқа тармоқлари ишида талайгина жиддий камчиликлар бор. Ўтган йили пахта, дон, ем ва сабзавот, чорвачилик маҳсулотларини етиштириш ҳамда ҳарид қилиш планларининг бажарилмаганлиги энг катта камчиликдир. Қорақалпоғистон АССР, Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Самарқанд ва Хоразм областлари, 66 район пахта етиштириш планини бажармади. Республикада ҳар гектар ердан ўртача 27,1 центнердан ҳосил олинди. Бу кўрсаткич Навоий областида 23,7, Жиззах областида 21,1, Қашқадарё областида 18,7 центнерга зўрға етди. Хўжаликларнинг ярми ўтган йили чорва молларк ва паррандалар бош сонини кўпайтириш, маҳсулот етиштириш планларини бажармади. Булар ердан фойдаланишда, айниқса, ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилашда, қишлоқ хўжалик техникасини ишга солишда, дала ишлари агротехникасида, чорванинг озуқа базасини мустаҳкамлаш ва ниҳоят селекция-наслчилик ишларида жиддий камчиликларга йўл қўйилаётганининг оқибатидир.

Антимеханизаторлик кайфиятига узил-кесил барҳам берилмаётгани, фан-техника ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этишнинг бу энг муҳим бўғини хусусида айрим партия комитетларининг принципиал, аниқ позицияда турмаётганликлари, баҳона, важ-карсонларга муросасозлик қилаётганлари оқибатида 1985 йилда республикада машина теримн ҳиссаси 37 процентга ҳам етмади. Қариб 5500 машина, шу жумладан, Бухоро ва Қашқадарё областларида 2500 машина теримда қатнашмади. Бунинг устига далага чиқарилган «зангори кема»ларнинг ҳаммаси ҳам унумли ишламади. Бир агрегатда терилган пахта Самарқанд областида 34 тоннани, Навоий областида 31, Бухоро областида ниҳоятн 11 тоннани ташкил этди. Бу давлат ва халқ мулкига хўжасизларча муносабат, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига фан-техника ютуқларини жорий этишнинг моҳиятини тушунмаслик, иқтисодий саводсизлик ва узоқни кўра билмасликдан бошқа нарса эмас.

Ғўшт ва сут саноати, мева-сабзавот хўжалиги системаси корхоналарида истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳамда уларнинг хилларини кўпайтириш имкониятларидан қониқарсиз фойдаланилмоқда. Андижон, Тошкент ва бошқа баъзи областларда шу борадаги топшириқлар мунтазам бажарилмай қолмоқда. Аҳолига сотиш учун чиқарилаётган мева-сабзавот маҳсулотларининг сифати кўнгилдагидек эмас, хиллари камбағал, бунинг устига миқдор жиҳатидан ҳам аҳоли талабларини қаноатлантирмайди. Колхоз бозорларида майиз, туршак, ёнғоқ ва бошқа қуритилган мевалар, нўхат, мош ва ловия каби озиқ-овқат маҳсулотлари асосан хусусий савдо қўлида бўлиб, уларнинг нархи анча баланддир. Шундай маҳсулотлар аҳоли эҳтиёжларини ҳисобга олиб, колхоз ва совхозларда планли равишда етиштирилиб, жамоат савдосига кўплаб чиқарилса, айни муддао бўлур эди.

Ўн иккинчи беш йилликда қишлоқ хўжалигини барқарор ўстириш, агросаноат комплексида Озиқ-овқат программасига мувофиқ юксак пировард натижаларга эришишдан иборат асосий вазифа умумпартиявий, барча даражадаги ташкилотчилик, сиёсий ва иқтисодий ишнинг ўзагидир. Шунга кўра ва республика халқ хўжалиги аграр секторида мавжуд жиддий камчиликлар ҳисобга олинганда Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитети ва область агросаноат комитетлари олдида кенг кўламли ғоят масъулиятли вазифалар турибди.

Партиянинг ҳозирги босқичда долзарб масалаларни ҳал этишга янгича ёндашиш талаби агросаноат ишлаб чиқаришини планлаштириш, пул ва ресурслар билан таъминлашда илмий асосларга таяниш, хўжалик юритишнинг иқтисодий методлари ва хўжалик ҳисобини такомиллаштириш, меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашнинг прогрессив формаларини жорий этиш, ишлаб чиқариш воситалари ва моддий ресурслардан тежаб-тергаб фойдаланиш, деҳқончилик ва чорвачиликнинг зонал системаларига алоҳида эътибор бериш ҳамда фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини чуқурлаштиришни тақозо этади. Бу муҳим масалаларни қатъиятлик ва талабчанлик билан ҳал этиш агросаноат комплексининг озиқ-овқат тармоқлари ривожини жадаллаштириш, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилашда тезроқ ижобий силжишларга эришишни таъминлайди. Шуни ҳам айтиш керакки, Қорақалпоғистон АССР ва республиканинг бошқа областларида, районларида ҳали етишмаётган энг муҳим озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтиришнинг катта имкониятлари бор. Ана шу имкониятларни ишга солиб, уларни республиканинг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган ички эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилдириш лозим.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотини қайта ишлайдиган ва сақлайдиган ишлаб чиқариш қувватларини жадал ривожлантириш, корхоналарни хом ашё етиштириладиган ерларга яқинроқ жойлаштириш, замонавий машина-ускуналар билан таъминлаш, озиқ-овқат сифатини ошириш, ишлаб чиқариш ва технология интизомига қатъий риоя этилишига талабчанликни кучайтириш агросаноат комитетлари фаолиятининг ғоят муҳим йўналишларидир. Аҳолини қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан тўлиқроқ таъминлашда корхона ва ташкилотларнинг ёрдамчи хўжаликлари, матлубот кооперацияси ҳамда колхоз савдосининг ролини ошириш керак.

Агросаноат комплексидаги ишларнинг мувафақияти кўп жиҳатдан ишлаб чиқариш бир бевосита алоқадор район агросаноат бирлашмаси — РАПОларга боғлиқдир. Улар маҳсулот етказиб бериш бўйича давлат буюртмаларини сўзсиз бажариш учун ҳар бир колхоз, совхоз, корхонага зарур шароитларни яратиб беришга, социал масалаларни ишлаб чиқарувчилар манфаатини қўзлаб ҳал этишга бурчлидирлар. Меҳнат коллективларн ташаббускорлигини ҳар томонлама ривожлантириш, пировард натижалардан уларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш, коллектив пудрати ва хўжалик ҳисобини кенг жорий қилиш даркор. Яхлит инженерлик хизматини ташкил этиш, хўжаликларни зарур ресурслар билан таъминлаш, маҳсулотларни тайёрлаш ва давлатга сотиш, колхоз ва совхозларда сақлаш ҳамда қайта ишлаш базаларини ривожлантириш — РАПОлар алоҳида эътибор берадиган юмушлардир. Бирлашмалар мутахассислар, хўжалик раҳбарларининг куч-ғайрати, изланишларини доимо дала ва фермалар маҳсулдорлиги ҳамда меҳнат унумдорлигини оширишга, маҳсулот сифатини яхшилаш, таннархини арзонлаштиришга йўналтириб туришлари керак.

КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил апрель Пленуми талабларига биноан агросаноат тармоқларида исрофгарчилик ва нобудгарчиликка барҳам бериш, социалистик мулкнинг сақланиши, барча моддий бойликлардан тўғри фойдаланилиши учун конкрет шахсларга талабчанликни ошириш, ҳар бир корхонада, ҳар бир ташкилотда, ҳар бир колхоз ва совхозда тегишли тартиб, интизом ўрнатиш зарур. Ана шундагина агросаноат комплекси иқтисодий самарадорлигини оширишда реал натижаларга эришиш мумкин.

Агросаноат комплексида амалга оширилаётган қайта қуришлар ва янги босқичнинг муҳим вазифалари партия, совет органларининг доимий диққат-эътибори, ғамхўрлигини талаб қилади. Бунда раҳбарлик қилиш майда-чуйда ишларга аралашавериш, маъмуриятчиликдан, хўжалик раҳбарлари ва мутахассислар ўрнини босишга уринишдан холи бўлиши керак. Энг муҳими — колхоз, совхоз, агросаноат комплекси корхоналарини сиёсий саводли, ақли тиниқ, ҳалол, ўз ишини биладиган ва одамлар билан ишлаш қобилиятига эга барқарор кадрлар билан таъминлаш лозим. Токи ҳамма бўғинларда ижодий, ташаббус кўрсатиб ишлаш муҳити яратилсин.

Барча партия, совет ва хўжалик органларидан янги йилнинг бошиданоқ оммавий-сиёсий ишни кучайтириш, меҳнаткашлар, мутахассислар ижодий активлигини ошириш, КПСС XXVII съезди ва Ўзбекистон Компартияси XXI съездини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани пухта уюштириш талаб қилинади. Бу ўн иккинчи беш йиллик дастлабки йилида республика қишлоқ хўжалиги ва агросаноат комплекси бошқа тармоқларини ривожлантиришнинг анча тиғиз планларини муваффақиятли бажариш ҳаракатига уюшқоқлик ва жўшқинлик бахш этади.

ПОЛЬША ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ МИНИСТРЛАР СОВЕТИ РАИСИНИНГ СССРГА ҚИЛАДИГАН ВИЗИТИ ТЎҒРИСИДА

Совет ҳукуматининг таклифига биноан Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ПХР Министрлар Советининг Раиси З. Месснер шу йил январь ойининг ўрталарида расмий дўстлик визити билан Совет Иттифоқига келади.

ЯНГИ ТЕХНИКА САМАРАСИ

В. В. Куйбишев номидаги Каттақўрғон ёғ-мой комбинатида пахта ёғини тозалаб берадиган янги линияни монтаж қилиш ишларига етмоқда. Монтаж ишлари тугагач, линия бир кеча-кундузда 450 тоннадан зиёд чигитни қайта ишлаш имкониятига эга бўлади. Олинаётган маҳсулот сифати ҳам тубдан яхшиланади. Янгилик туфайли қимматбаҳо экстракция бензини ҳам тежаладн.

Корхонани реконструкция қилиш, янги қувватларни ўзлаштириш ишларида кўплаб ёшлар ҳам фаол қатнашмоқдалар.

Суратда: ўроб цехининг энг яхши ишчиларидан бири, ёш коммунист М. Эрдонова.

Р. ҒАФУРОВ фотоси [ЎзТАГ].

Мейли Жумаев қарийб 30 йилдан буён Қарши ёғ-экстракция заводида меҳнат қилиб келмоқда. Ўз касбини пухта эгаллаган, коллектив ишига жонқуяр бу илғор ишчи меҳнат фаолиятида кўплаб ёшларга устоз ва мураббийлик қилди. Эндиликда у ишлаётган механика цехи ишчиларининг кўпчилиги Мейли акани ўзининг устози деб билади ва сидқидилдан ҳурмат қилади.

Моҳир токарь, аввало, меҳнатда ўзи ибрат кўрсатаётир. Шу сабабли ўн биринчи беш йиллик топшириғини ҳам муддатидан илгари бажарди. Унинг моҳир қўлларидан чиқаётган деталлар юқори сифатлилиги ва стандарт талабларига мослиги билан ажралиб туради.

Ҳалол ва фидокорона меҳнат ветеран ишчига катта шон-шуҳрат келтирди. Цех партия бюроси аъзоси, II ва III даража Меҳнат Шуҳрати орденлари нишондори М. Жумаев КПСС XXVII съезди, Ўзбекистон Компартиясининг XXI съезди шарафига авж олган социалистик мусобақада пешқадамлик қилмоқда.

Суратда: Мейли Жумаев шогирди К. Олтиев билан.

Ш. Шарипов фотоси (ЎзТАГ).

• Съезд делегатлари ҳақида ҳикоя қиламиз

ОДИМЛАР

БИЗНИНГ СПРАВКА:

Аҳмаджон Камолов 1956 йилдан бери бригадирлик қилади, Ленин ордени ва Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан тақдирланган. Район Советининг депутати. У бошлиқ бригада ўн биринчи беш йилликда пландагидан 335 тонна кўп пахта етиштирди.

Унинг одати шунақа: барвақт туради-да, далага жўнайди. Нонуштага қадар пайкалларни бир айланиб чиқмаса, кўнгли ўрнига тушмайди. Бунинг сабаби бор. Отасининг бир сўзи сира хотирасидан кўтарилмайди: «Замин жуда нозик ва беғубор. Унга пок ният билан меҳр қўйган одамнинг юзи ёруғ, қалби нурафшон бўлади...».

Ҳовлисига туташ каргадан ўтиб, трактор овози келаётган томонга йўл олган Аҳмаджон акани енгларига чанг юққан чайир қўллар қучоқлаб олди.

— Табриклайман, ака, олдинроқ шипшитиб ҳам қўймайсиз. Эшитиб, роса хурсанд бўлдим-да, — деди тунги сменада ишлаётган Боқижон у билан самимий кўришаркан.

— Раҳмат ука.

Аҳмаджон ака эндигина ҳайдалган ердан бир сиқим тупроқ олди ва сўзида давом этди.

— Аввало, бизга шон-шуҳрат, обрў-эътибор келтирган мана шу заминни табрикла! Кунни тунга улаб ишлаган сувчилар Эргашбойни, Ҳуснидинни, теримда суръатга қанот боғлаган ҳамкасбларинг Кабирни, Муроталини, Аҳмаджонни, 4—5 боланинг онаси бўлишига қарамай 6—7 тоннадан пахта терган Салтанатни, Оминахонни, Ҳадичани, уларнинг дугоналарини табрикла! Билсанг, ука, уларнинг камарбасталиги билангина катта хирмон тикладик. Ўғлинг ва бошқа болаларнинг теримда қатнашмаганлигининг сабаби ҳам шунда. Энди улар яхшироқ ўқишади. Кўпни билган бола келажагимиз равшан бўлишига, одимимиз каттароқ ташланишига арзигулик ҳисса қўшади...

Биз бригада етакчисини далада учратдик.

— Бригадангиз йиллик планни 25 иш кунида бажарганидан, юз процент ҳосил биринчи сортга сотилганидан хабаримиз бор. Бунга қандай эришдингизлар?

— Мактаб ўқувчилари ва ёрдамчиларни дала ишларига жалб этмаётганимиз жуда катта наф келтирянти. Бола бола-да, яганани, чеканкани чала қилади. Натижада агротехника талаблари бузилиши оқибатида пахта кам ҳосил беришидан ташқари, кеч пишади.

Кейинги йилларда бригадамизда ёрдамчиларга кўз тикиш кайфияти йўқолди. Бунинг ўрнига ташкилотчилик, техника ва одам ресурсларидан фойдаланиш кучайтирди. Натижада ҳамма ўз юмуши билан шуғулланди.

Яна бир нарса хусусида тўхталмоқчиман. Бу— деҳқонларга берилган ҳуқуқ ва бурч тўғрисида. Аввалари пахтачиликка мутлақо алоқаси бўлмаган раҳбарлар ҳам хўжаликларга «ақл» ўргатиш учун вакил қилиб юборилардн. Бу деҳқон нафсониятига тегишдан бошқа нарса эмасди. Ҳақиқий деҳқон доимо ўз сўзида устивор бўлиши, ҳар қандай шароитда мўлжални аниқ олиши, узоқни кўзлаб иш тутиши даркор. Акс ҳолда алданиши турган гап. Буни кўплар қатори ўз тажрибамда синаб кўрганман...

Дарвоқе, бир йили бригадада яшнаб турган ғўзалар август ойининг ярмига келиб сарғая бошлади. Пахтадан барака кўтарилди. План учма-уч бажарилди. Аммо колхоз ўтириб қолди. Уста пахтакорлар маслаҳатлашиб, аввало, ерни тўйдириш, алмашлаб экишни йўлга қўйиш керак, деган қарорга келишди. Уша йили қишда Аҳмаджон ака бошлиқ бригада аъзолари колхоз фермасидан ўғит ташиб олишга зўр беришди. Чигитни кенг қаторлаб экишга ўтилди. Натижа кутилганидан ҳам зиёда бўлди. 40 центнерлик марра эгалланди!

Бригада ўнинчи беш йилликни ўртача 44,3, ўн биринчи беш йилликни 45,4 центнер хирмон кўтариш билан якунлади. Бригадирни партия ва ҳукуматимиз муносиб тақдирлади: у СССР Давлат мукофоти лауреатлигига сазовор бўлди.

Деҳқон деган табаррук номга бўлган чексиз садоқат, коммунистик эътиқод Аҳмаджон ака ишонч ва журъат, куч-қувват, ғайрат-шижоат бахш этмоқда. Қуёш табиатга нечоғли зарур бўлса, ер ҳам инсонга шу қадар азиз ва муқаддас. Лекин заминга қуёш нурининг ўзи камлик қилади. Унга инсон қалби қуёши ҳам ҳамоҳанг бўлиши керак. Эндиликда деҳқонларимиз пахтачиликнинг ойдин йўлига тушиб олишди. Бу йўлда уларга Аҳмаджон ака каби миришкор пахтакорларнинг тажрибаси қўл келмоқда.

Аҳмаджон ака билан хайрлашар эканмиз, унинг мана бу сўзлари яна ёдга тушади: беш йиллик бўйича бир центнер пахта таннархи бригадада — 27 сўмга, колхозда — 45 сўмга тўғри келмоқда. Машина терими салмоғи бригадада — 70, хўжаликда — 45, район бўйича 46 процентни ташкил этади. Бу рақамлар тенглаштирилса айни муддао бўларди.

Наманган область коммунистлари Тўрақўрғон районидаги «Шарқ юлдузи» колхозининг ташаббускор бригадаси бошлиғи Аҳмаджон Камоловга катта ишонч билдиридилар; область партия конференциясида уни Ўзбекистон Компартияси XXI съездига делегат қилиб сайладилар.

Ш. ХОЛМИРЗАЕВ, «Совет Ўзбекистони» мухбири.

ЎН ИККИНЧИ БЕШ ЙИЛЛИК МАРОМИ

ТОПШИРИҚҚА ҚЎШИМЧА

Денов ёғ-экстракция заводи коллективи янги йилнинг дастлабки куни бир кеча-кундузлик топшириққа қўшимча равишда 20 тонна пахта ёғи ишлаб чиқарди. Ўтган йили заводда ўтказилган социалистик мусобақа ғолиби Умидулло Ғулов бригадаси янги беш йиллик меҳнат маромини белгилаб бермоқда.

Завод ходимлари ўн биринчи беш йилликни яхши якунладилар. Ёғ ишлаб чиқариш, маҳсулот реализация қилиш планлари муддатидан уч ой илгари бажарилди. Сўнгги беш кунда тежаб қолинган хом ашё ҳисобига маҳсулот тайёрланди. Ишлаб чиқариш қувватларини реконструкция қилиш муваффақиятларнинг гарови бўлди. Реконструкция бу йил ҳам давом эттирилади. Январь ойидаёқ ишлаб чиқаришни тўхтатмай туриб, икки янги форпресс ва вальц станоги ишга солинади. Бошқа участкалар ҳам мукаммалроқ техника билан жиҳозланади. Бу беш йилликда реконструкция ҳисобига ишлаб чиқариш ҳажмини 30 процент ошириш кўзда тутилмоқда.

Корхона коллективи партия XXVII съездини икки ойлик программани муддатидан илгари бажариш билан кутиб олиш ниятидадир.

(ЎзТАГ).

ДОНГДОР ТЎҚУВЧИ АҲДИ

«Атлас» бирлашмаси тўқувчиси Кимсанхон Аҳмедова январнинг биринчи иш кунида тўртта ўрнига саккизта дастгоҳда меҳнат қилди. Натижада смена давомида топшириққа қўшимча ўнлаб метр сифатли атлас тўқиб чиқарди.

Кимсанхон бутун ўтган беш йиллик давомида ана шундай меҳнат қилиб, шу давр ичида 12 шахсий йиллик нормани бажарди. Ў нормадагидан икки баравар кўп дастгоҳларда меҳнат қилиш билан бирга ҳар бир станокни юксак унум билан ишлатишни ҳам ўрганиб олди. Донгдор тўқувчи бракси з ишламоқда. «Атлас» бирлашмасининг кўпгина тўқувчилари Кимсанхон Аҳмедовадан ўрнак олиб, партия XXVII съезди очиладиган кунга қадар биринчи квартал топшириғини бажаришга сўз бердилар.

(ЎзТАГ).

ҚИШ ФАСЛИ-ИШ ФАСЛИ

«КПСС XXVII съездига — 27 зарбдор ўн кунлик» шиори остида меҳнат қилаётган Ильич районидаги Алексеевский номли совхоз пахтакорлари қиш фаслини иш фаслига айлантириб, дала ишлари суръатига суръат қўшмоқдалар. Хўжаликда техника ремонти, шўр ювиш ишлари қизитиб юборилди. Мавжуд 30 трактор сифатли ремонтдан чиқарилди. Шунингдек. 35 та чопиқ трактори, 43 та культиватор, 30 та сеялка кўклам юмушларига шай.

Хўжаликнинг 145 нафар мирншкор сувчилари амалга ошираётган ишлар ҳам таҳсинга лойиқ. Ҳар бир сувчи кунига 1—1,5 гектар майдонга яхоб суви бериб, мўл ҳосилга пухта замин яратмоқдалар. Тўрақул Юсупов, Ваҳоб Жабборов, Абубакир Эшбоев каби мирншкор сувчилар мусобақада пешқадам.

А. МАЖИДОВ.

АРТЕЗИАН СУВЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИБ

Наманган областидаги барча «ер ости дарёлари» келгуси ҳосил учун хизмат қилмоқда. «Ўзводремстройэксплуатация» республика ишлаб чиқариш бирлашмаси ихтисослаштирилган кўчма механизациялашган колоннасининг махсус бригадаси ўн етти мингта артезиан қудугини муддатидан олдин ремонтдан чиқарди. Ер ости сувлари 130 минг гектар ерни суғориш имконини берди.

Катта Наманган каналидаги энг йирик насос станциясида саккиз агрегатдан сўнгги иккитасининг ремонти ҳам тугалланди. Насос станцияси адир ерларга ҳар секундда 40 кубометр обиҳаёт етказиб беради. Қолган тўртта насос станциясида катта қувурлар ўрнатилди.

ҚУРУВЧИЛАР ТУҲФАСИ

Ромитан районининг чорвадорлари янги йил арафасида район маркази яқинида 500 бош қорамолга мўлжалланган хўжаликлараро бўрдоқичилик пунктини, шунингдек, витаминли ўт талқони тайёрлайдиган заводни қабул қилиб олдилар.

Бу объектларни Госкомсельхозтехника область бирлашмасига қарашли Чорбакир механизациялашган кўчма колоннасининг қурувчилари муддатидан бир ой илгари бунёд этдилар. Қурувчилар Вобкент районидаги «Москва» ва Свердлов районидаги Калинин номли колхозларда молхоналар, шунингдек, Шофиркон районидаги Охунбобоев номли колхозда озуқа цехини ҳам муддатидан илгари фойдаланишга топширдилар. Колонна коллективи квартал топшириғини партия XXVII съезди очиладиган кунгача бажаришга қарор қилди.

(ЎзТАГ).

ПАРТИЯНИНГ СЪЕЗДОЛДИ ҲУЖЖАТЛАРИ—ОММАГА!

СУҲБАТЛАР, ЛЕКЦИЯЛАР

В.П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг жанговар ва меҳнат шуҳрати музейи партиянинг съездолди ҳужжатларини пропаганда қилишга бағишлаб хилма-хил тадбирлар программасини амалга оширмоқда.

Бу ерда ёшларнинг ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари билан, машҳур меҳнат сулолалари вакиллари билан учрашувлари ва суҳбатлари бўлиб ўтди. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, йиғувчи-слесарь Н. Маннопов, СССР Давлат мукофоти лауреати, фрезерчилар бригадири И. Басанец, Расуловлар меҳнат сулоласи вакиллари ва бошқалар корхонанинг тарихи тўғрисида, съездолди социалистик мусобақаси ҳақида, бирлашманинг эртанги куни тўғрисида гапириб бердилар. Умрининг қирқ йилдан кўпроғини самолётсозликка бағишлаган меҳнат ветерани А. Данилова ўз лекцияларида съездлараро даврда авиасозлар ҳаётида рўй берган социал ўзгаришларга, коллективни социал-иқтисодий ривожлантириш режаларига катта эътибор берди. (ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми партия ва совет органларида кўп йил самарали ишлаганлиги учун Ўзбекистон ССР мева-сабзавот хўжалиги министрининг ўринбосари ўртоқ Маҳкам Камоловни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

ПАРТИЯ ТУРМУШИ: ҲИСОБОТ ВА САЙЛОВЛАР

ИШ УСЛУБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРАЙЛИК

АНДИЖОН ОБЛАСТЬ ХХ ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯСИДАН

АНДИЖОН, 4 январь. (ЎзТАГ). Андижон область ХХ партия конференциясининг делегатлари область халқ хўжалигига партиявий раҳбарликни ҳар томонлама яхшилаш масалаларини юксак талабчанлик позицияларида туриб, ишчанлик билан муҳокама қилдилар. Бугун конференция ўз ишини тамомлади. Делегатлар съездолди ҳужжатларини, партиянинг мамлакат иқтисодий ва социал тараққиётини жадаллаштириш йўлини яқдиллик билан маъқуллаб, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, интизом ва тартибни мустаҳкамлаш, бутун ташкилотчилик ва идеология ишини такомиллаштириш йўллари ҳақида жонкуярлик билан гаплашиб олдилар.

Андижон область партия комитетининг биринчи секретари **М. М. Орипжонов** қилган ҳисобот докладида, ревизия комиссиясининг докладида, делегатлар — Избоскан районидаги «Комсомол» колхозининг раиси **М. Абдуллаева**, Комсомолобод район партия комитетининг биринчи секретари **И. Дадахонов** ва бошқаларнинг нутқларида КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил апрель ва октябрь Пленумларида, ўртоқ М. С. Горбачевнинг нутқларида белгилаб берилган йўл-йўриқларга мувофиқ, партиявий иш услуби ва методларини тубдан қайта қуриш зарурлиги уқтириб ўтилди. Расмиятчилик ва сусткашликка барҳам бериш, бўшашувчанлик, муросасозликни, ташаббусга тўсқинлик қилиб, олға ҳаракатга ҳалақит бераётган ҳамма иллатларни туғатиш керак, дейишди нотиқлар.

Кейинги йилларда область экономикасида баъзи ижобий силжишлар рўй берганлиги таъкидлаб ўтилди. Саноат ишлаб чиқариши ҳажми биринчи бор 1 миллиард сўмлик маррадан ошиб кетди. Кўпчилик турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш беш йиллик плани бажарилди, маҳсулот турлари кўпайтирилди. Қишлоқ меҳнаткашлари дон, сабзавот, полиз маҳсулотлари, жун ва пилла тайёрлаш план-топшириқларини муддатидан илгари уддаладилар. Бултур пахтакорлар пахта тайёрлаш планини бажардилар.

Аммо, умуман олганда, СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986-1990 йилларга ҳамда 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишлари тўғрисида Андижон область ижроия комитетининг раиси **Ж. Ҳ. Ҳасанов** қилган докладда, Андижондаги 37-ҳунар-техника билим юрти мастери **М. Т. Йўлчиева**нинг, Андижон машинасозлик заводи слесари **В. И. Тимохин**нинг, область халқ контроли комитети раиси **А. Отахонов**нинг ва бошқа делегатларнинг нутқларида таъкидлаб ўтилганидек, сайлаб қўйилган партия органларининг назорат ва раҳбарлиги етарли бўлмаслиги оқибатида областда вужудга келтирилган ишлаб чиқариш потенциалидан тўла фойдаланилмади. Маҳсулот етказиб бериш га доир мажбуриятларнинг бажарилишини ҳисобга олганда, корхоналарнинг учдан бир қисми маҳсулот реализация қилиш юзасидан планда белгиланган марраларга ета олмади. Андижон ип газлама комбинатида ва унинг филиалларида, «Андижанкабель» заводида, Ильичевск шаҳридаги пайпоқ фабрикасида янги қувватлар жуда суст ўзлаштирилмоқда, меҳнат унумдорлигини ошириш суръатлари паст. Бирмунча сифатсиз маҳсулот чиқарилаётганлиги айниқса енгил саноатда аввалгидек сезилиб турибди. Беш йиллик мобайнида ҳаммаси бўлиб давлат арбитражи органлари бракка йўл қўяётган корхоналардан 6 миллион сўмдан кўпроқ жарима олди. Капитал қурилишда кўп куч ва маблағ лозим даражада самара олинмай, сочиб юборилмоқда. Андижонда, Жалолқудуқ, Хўжаобод ва бошқа бир қанча шаҳар ҳамда районларда деярли барча асосий объектларни ишга тушириш муддатлари барбод этилди, қурилиш-монтаж ишларининг сифати ҳам паст.

Агросаноат комплекси барпо этилиши муносабати билан ҳозир қишлоқда катта ўзгаришлар рўй бермоқда, деб уқтириши ўз нутқларида Фрунзе номли совхознинг бригадири **Ш. Иноможонов**, Андижон районидаги Охунбобоев номли совхознинг сут соғувчиси **О. Сўпнева** ва бошқа делегатлар. Кенг миқёсдаги мана шу ишлар муносабати билан тармоққа раҳбарлик қилишдаги мавжуд жиддий нуқсонлар коммунистларнинг назаридан четда қолмаслиги керак. Кўпгина пахтачилик ва чорвачилик хўжаликларининг партия комитетлари ишлаб чиқариш ишлари билан чуқур шуғулланмаётганликлари, кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялашга етарли эътибор бермаётганликлари айтиб ўтилди. Натижада областдаги бир қанча колхоз ва совхозлар пахта ва чорвачилик маҳсулотларини тайёрлаш план-топшириқларини муттасил бажармай келмоқдалар. Қўшиб ёзиш ва кўзбўямачилик ҳоллари ҳали ҳам батамом туғатилмаган.

— Район раҳбарларининг оғзидан пахтачиликни комплекс механизациялашни жадаллаштириш тўғрисидаги дабдабали сўзларни неча марталаб эшитганмиз, — деди ўз нутқида Бўз районидаги «Партия ХХ съезди» совхозининг бригадири **Ҳ. Охунов**. — Аммо бизда, масалан, ҳатто терминнг долзарб пайтларда ҳам энг оддий эҳтиёт қисмлар етишмаслиги оқибатида бир талай машиналар бекор туриб қолмоқда. Район «Сельхозтехника» мутахассислари эса бизнинг муаммоларимизга тузукроқ қизиқиб қарамайдилар. Чамаси, район партия комитети ўз даъватларини механизаторларнинг талаб ва эҳтиёжлари таъминланиши устидан таъсирчан контроллик қилиш билан мустаҳкамлаши лозим.

Ленинск шаҳар маиший хизмат бошқармасининг диспетчери **З. Эгамбердиева**, Андижондаги 162-қурилиш трести механизация бошқармасининг қранчиси **Т. А. Каландинская** ва конференциянинг бошқа кўпгина қатнашчилари ўз нутқларида топширилган иш учун масъулиятни ошириш, энг муҳим халқ хўжалиқ вазифаларини ҳал этишда инсон омилидан тўлиқроқ фойдаланиш зарурлиги ҳақида гапирдилар. Меҳнат коллективларида КПСС XXVII съездини муносиб кутиб олишга тайёргарлик ишлари авж олиб кетган бир пайтда партия комитетлари ўзларининг бутун ишлари савиясини оширишга эришишлари, куч-ғайратни область социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштиришга сафарбар қилишлари лозим, деб уқтиришди улар.

Конференцияда Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси **Ғ. Ҳ. Қодиров** нутқ сўзлади.

Республика партия ташкилотлари КПСС XXVII съездига тайёргарлик кўрар эканлар, ишларнинг аҳволини атрофлича таҳлил этмоқдалар, иқтисодий ва социал-маданий қурилишнинг ҳамма соҳаларига партиявий таъсирни кучайтиришнинг конкрет йўлларини белгилаб олмоқдалар, деди у. Ҳар бир меҳнат коллективи бу шонли воқеани яхши натижалар билан кутиб олишига, ҳар бир партия аъзоси съездни муносиб кутиб олишни таъминлашга шахсан ҳисса қўшишига алоҳида эътибор берилмоқда.

Кейинги йиллар республика партия ташкилоти, Ўзбекистон меҳнатқашлари учун маънавий-психологик вазиятни соғломлаштириш, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленумида очиб ташланган жиддий хато ва камчиликларни тугатиш учун қизғин кураш даври бўлди.

Вужудга келган аҳволни тузатиб олиш учун бирмунча иш қилинди, интизом ва тартибни мустаҳкамлаш йўли бошланди. Мана шуларнинг ҳаммаси беш йиллиқ охирига келиб ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, унинг ўсиш суръатларини жадаллаштириш имконини берди. Андижон областининг меҳнатқашлари умумий ишнинг муваффақиятига муайян ҳисса қўшмоқдалар.

Эришилган даража янада юксакроқ натижаларни қўлга киритмоқ учун зарур бўлган асосдир. Ўн иккинчи беш йилликда республика олдида хилма-хил ва мураккаб вазифалар турибди. Аммо бизда бу вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш учун ҳамма резерв ва имкониятлар бор.

Бизнинг олға томон қиладиган бундан буёнги ҳаракатимиз аввало партия, совет ва хўжалик раҳбарлигининг савиясига боғлиқ. Раҳбар кадрларнинг иш услубига, ишчанлиги ва билимдонлигига, ижрочилик интизомига нисбатан қўйиладиган талаблар эндиликда ҳар қачонгидан ҳам ошди.

Вазиятни партиявий нуқтаи назардан таҳлил этганда, ўтмишда хўжалик қурилишига раҳбарлик қилишда йўл қўйилган жиддий хаталар ҳозирча суст тугатилаётганини рўй-рост айтмоқ керак. Биз Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленумидан кейин тартиб ўрнатиш учун қатъият билан киришган бўлсак-да, аммо бу йўлдаги сабот-матонат баъзан бўшашиб қолмоқда. Жиддий камчиликлар очиб ташланган айрим ташкилотларда баъзан кўтарилган масалаларнинг ўткирлиги сийқалаштирилмоқда, йўл қўйилган хаталарга ва салбий ҳодисаларга ҳамиша ҳам принципиал баҳо берилмаётир.

Ана шуларнинг ҳаммаси оқибат натижада КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил апрель Пленуми ўртага қўйган конкрет хўжалик-сиёсий вазифаларнинг ҳал этилишига, аввало, фан-техника тараққиётини жадаллаштиришга, ишлаб чиқаришни интенсивлашни оширишга салбий таъсир қилмоқда.

Андижон области саноатидаги ишларнинг аҳволини баҳолаб, шуни очиқ айтиш керакки, партия ва хўжалик раҳбарларининг аммаси ҳам янгича ишлашнинг хусусиятларини тўла англаб олганлари йўқ ва тузукроқ тасаввур этмаяптилар. Ишлаб турган корхоналар узоқ вақтгача техника билан қайта қуроллантирилмаяпти, уларнинг бир қанчаси реконструкция қилинмаяпти. Оқибат натижада бу нарса фонднинг самарадорлигига таъсир қилмоқда. «Электродвигатель», «Электроаппарат», гидролиз, машинасозлик заводларида фондларнинг самарадорлиги айниқса пасайиб кетди.

Бултур областда саноат ишлаб чиқариши ҳажмларини ўстиришнинг атиги 69 процента меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига олинганлиги факти ҳам ташвишга солади. Умуман беш йиллик мобайнида товар маҳсулот ишлаб чиқариш плани 101,9 процент бажарилган бўлса, жорий йиллиқ планлари асосан шу планларга тузатиш киритиб, уларни камайтириш ҳисобига бажариб келинди. Беш йил мобайнида дастлабки планларга нисбатан 30 миллион сўмлик маҳсулот кам берилди. Марказий Комитетнинг XVI пленумидан кейин ҳам маҳсулот реализация қилиш планлари ўн тўққиз марта, трикотаж, пойабзал фабрикаларида, ип газлама комбинатида товар маҳсулот планлари ўн олти марта ўзгартирилди.

Айрим корхоналар маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини камайтирмоқдалар. 1984 йилда шундай корхоналар 28 та, ўтган йили эса 18 та эди. Айни шу сабабдан 64 миллион сўмлик маҳсулот кам етказиб берилди.

Конференцияда қайд этиб ўтилганидек, область саноати маҳсулот етказиб бериш мажбуриятларини ҳисобга олган ҳолда уни реализация қилиш планларини мунтазам суратда бажармай келмоқда. Беш йиллик мобайнида етказиб берилмаган маҳсулот ҳажми 100 миллион сўмликдан ошиб кетди.

Бунинг устига ўн биринчи беш йиллик мобайнида саноатда меҳнат унумдорлигининг ўсиши 1,9 процентни ташкил этди, ўртача ойлик иш ҳақи эса 3,8 процент ошди.

Ҳамон жуда кўп иш вақти зое кетмоқда. 1985 йилнинг биринчи ярмида зое кетган иш вақти 45 мингдан кўпроқ киши-кунни ташкил этди. Областда маҳсулот таннархини арзонлаштириш борасидаги социалистик мажбуриятлар ҳам бажарилмаяпти.

Кўпгина партия комитетлари ишнинг вужудга келтирилган ишлаб чиқариш қувватларидан тўлиқроқ фойдаланиш каби муҳим соҳасини эътибордан четда қолдирмоқдалар. Бундай қувватлар бир қанча корхоналарда паст даражада ишлатилмоқда. «Электродвигатель» заводида бу қувватлардан атиги 65 процента фойдаланилмоқда.

Областда катта меҳнат ресурслари борлиги таъкидлаб ўтилди. Бироқ партия, совет ва хўжалик органлари ишлаб чиқариш учун малакали кадрлар тайёрлашни чинакамига таъминламаяптилар. Айни шу сабабдан кўпгина корхоналар ва қурилишларда икки-уч сменали иш ташкил этилмаган, бунинг устига умуман ишчи кадрлар етишмаяпти.

Ҳисобот даврида саноат ва қурилиш ишлаб чиқаришини интенсивлаш, меҳнат ресурсларидан фойдаланиш масалалари область партия комитети ва область ижроия комитетида бир неча марта кўриб чиқилди. Катта қарорлар қабул қилинди, уларнинг кўпи аслида қоғозда қолиб кетди. Қабул қилинаётган қарорларнинг ижросини контрол қилиш область партия ва совет органлари ташкилотчилик ишининг ҳамон энг заиф томони бўлиб қолмоқда, деб уқтиришди делегатлар.

Конференция қатнашчилари область, шаҳар партия комитетларининг янги состави, бошланғич партия ташкилотлари фан-техника тараққиётини жадаллаштириш масалалари устида жиддий ишлашлари кераклиги тўғрисида гапирдилар. Ишлаб чиқаришни механизациялаш ва автоматлаштиришга кўпроқ эътибор бериш лозим. Область саноатида қўл меҳнатининг ҳиссаси 50 процентдан кўпроқдир. Ҳар бир бирлашма, ҳар бир корхона, цех техника билан қайта жиҳозлашнинг яхши ўйлаб тузилган конкрет планига эга бўлиши ва уни амалга ошириш борасида сабот билан ишлаши жуда муҳимдир.

Областда халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришга етарлича эътибор берилмаяпти. Ҳаридоргир буюмлар ишлаб чиқарувчи тармоқларни ривожлантиришга 300 миллион сўмдан кўпроқ маблағ сарфланди, шундай буюмлар ҳажмини 66 процент кўпайтириш мўлжалланган эди, амалда 25 процент ошди, холос.

Ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва унинг маданияти даражаси энг аввало ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифати билан белгиланади. Аммо бу ишда ҳали кўпгина камчиликлар бор. Ишлаб чиқариш умумий ҳажмида олий сифат категориясидаги маҳсулот салмоғи пландаги 8,4 процент ўрнига атиги 7,6 процентни ташкил этмоқда.

Ўтган йили Андижон ип газлама комбинатидаги текширишлар чоғида 890 минг метр ип газлама бракка чиқарилди ва 165 минг метр газламанинг сорти пасайтирилди. Трикотаж фабрикасида 14 мингта ички трикотаж кийим брак қилинди ва бир ярим мингтага яқин шундай буюмнинг сорти пасайтирилди. Пойабзалнинг сифати, тикувчилик бирлашмаси, мебель фабрикаси, область маҳаллий саноати корхоналари маҳсулотларининг сифати тўғрисида жуда кўп эътирозлар тушмоқда.

Сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқариш — меҳнатни, моддий ресурсларни исроф қилиш демакдир. Сифатни ошириш, ҳар бир меҳнат коллективининг, ҳар бир партия ташкилотининг шон-шараф ишидир, деб таъкидлашди нотиқлар.

Капитал қурилиш партия, совет, хўжалик органларининг зўр эътибор беришларини талаб қилади. Саноат ва қишлоқ хўжалигининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, меҳнатқашларнинг уй-жой ва маданий-маиший шароитларини яхшилаш соҳасидаги режаларимизни амалга ошириш капитал қурилиш билан бевосита боғлиқдир. Беш йиллик мобайнида йиллик планларга нисбатан салкам 200 миллион сўмлик асосий фондлар ишга туширилмади. Аҳолини уй-жой билан таъминлашда ниҳоятда танг аҳвол вужудга келди. Болалар боғчалари, касалхоналар, ҳунар-техника билим юртларини фойдаланишга топшириш планлари бажарилмади. Давлат шу мақсадлар учун маблағ ва ресурсларни тўла ажратиб берган эди. Бироқ 10 миллион сўмга яқин маблағ ўзлаштирилмай қолди. Айни вақтда эса планда кўзда тутилмаган маъмурий, «ҳашамдор» бинолар қурилишига маблағ ва ресурслар «топилди». Планда кўзда тутилмаган 19 та объект, шу жумладан область ижроия комитети буюртмачи бўлган 8 та маъмурий ва жамоат объекти барпо этилди, уларни эса область ижроия комитети уй-жойлар, мактаблар, болалар боғчалари ҳисобига қурди. Ахир давлат нуқтаи назаридан ёндашиш ҳам шундай бўладими?! Бу — план интизомини жуда қўпол равишда бузиш бўлиб, уни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми қоралаган эди.

60 миллион сўмлик асосий фондларнинг фойдаланишга топширилиши таъминланмади. Охунбобоев шаҳридаги подшипник заводи ва «Андижанкабель» заводида қувватлар ишга туширилмади. Шаҳрихон, Избоскан, Жалолқудуқ, Ленин ва Пахтаобод районларининг партия комитетлари ва халқ депутатлари Советларининг ижроия комитетлари капитал қурилишга ёмон раҳбарлик қилмоқдалар.

Область партия, совет органлари, хўжалик раҳбарлари вақтни бой бермай ҳозирнинг ўзидаёқ капитал қурилиш сурўватларини кескин кучайтириш, барча қурилиш, монтаж ташкилотларининг, бинокорлик материаллари саноати ва қурилиш индустрияси корхоналарининг фаолиятини яхшилаш, чораларини ишлаб чиқишлари лозим, деб таъкидлашди нотиқлар.

Иш шундай йўлга қўйилиши керакки, ҳар бир коллектив янги йилнинг дастлабки кунлариданоқ кунлик, ўн кунлик, ойлик планларнинг, ҳар бир ишчи эса смена топшириғининг бажарилишини таъминлайдиган бўлсин.

Коллективларда тарбиявий ишни кучайтиришга, меҳнат активлигини оширишга алоҳида эътибор берилиши лозим. Социалистик мусобақани ташкил этишни, унинг таъсирчанлиги ва ошоралигини яхшилаш, бу ишда расмиятчиликка барҳам бериш керак.

Инсон омилини активлик билан ишга солиш — юқори унумли меҳнат учун шарт-шароитлар яратиш, ишлаб чиқаришнинг барча участкаларида намунали тартиб ва интизом ўрнатиш зарур. Социалистик мажбуриятларни ишлаб чиқиш чоғида «Автоваз» ходимларининг КПСС Марказий Комитети маъқуллаган ташаббусини кенг кўламда қўллаб-қувватлаш муҳимдир. «Автоваз» ходимлари фан-техника тараққиётини жадаллаштиришда, ишлаб чиқаришни ўстириш ва унинг самарадорлигини оширишда беш йилликнинг контрол рақамларига нисбатан юксакроқ кўрсаткичларга эришиш мажбуриятини қабул қилишган.

Область деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларининг барқарор ўсишини, Озиқ-овқат программасининг амалга оширилишини таъминлаш учун кўпгина имкониятларга эга. Беш йиллик бошидан буён агросаноат комплексини ривожлантиришга талайгина маблағ сарфланган бўлишига қарамай, ҳозирча унча кўп самара олингани йўқ. Область хўжаликлари давлатга пахта, маккажўхори дони, картошка, мева узум, гўшт, сут сотиш беш йиллик планини уддалай олишмади. 1985 йилда пахта ва сабзавотдан ташқари деҳқончилик маҳсулотларининг бошқа барча турлари бўйича ишлаб чиқариш плани бажарилмади.

Ҳосилни механизмлар билан териб олиш пахтачиликда танг жойларнинг бири бўлиб қолмоқда. Ўтган йили механизмлар билан териб олинган ҳосилнинг салмоғи атиги 27 процентни ташкил этди. Жуда кўп кишилар пахта йиғим-теримига жалб этилмоқда. Ҳолбуки, мавжуд пахта териш техникасидан ниҳоятда қониқарсиз фойдаланилмоқда. Механизацияга қарши кайфиятлар терим ишларини комплекс механизациялашга тўсқинлик қилмоқда. Олтинкўл районида машина терими салмоғи тайёрланган жами ҳосилнинг 11 процентини, Ленин районида 16, Хўжаобод районида 17, Андижон районида 18, Пахтаобод районида 21, Марҳамат районида 24, Москва районида эса атиги 8 процентни ташкил этганлигини бундан бошқа нима билан изоҳлаш мумкин.

Делегатлар область партия ташкилоти КПСС Марказий Комитети 1985 йил апрель Пленумининг, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш масалаларига бағишлаб КПСС Марказий Комитетида ўтказилган июнь кенгашининг йўл-йўриқларини сусткашлик билан бажараётганига эътиборни жалб қилдилар. Қишлоқ хўжалигини янада юксалтиришга, уни интенсив ривожланиш йўлига ўтказишга етарлича эътибор берилмаяпти. Чорвачиликни ривожлантиришдаги қолоқликка қисқа муддатлар ичида барҳам бериш партия, совет органларининг ва янги ташкил этилган Госагропром органларининг, айниқса муҳим вазифасидир.

Савдо ва маиший хизмат, транспорт ва алоқа корхоналарининг ишидаги камчиликлар меҳнаткашларнинг ҳаққоний эътирозларига сабаб бўлмоқда. Ниҳоят, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан чайқовчилик қилишга чек қўйиш пайти келди. 1985 йилда республикадан ташқарида чайқовчилик учун қўлга тушган барча кишиларнинг 40 проценти Андижон областидан эди-да, ахир.

Партия Марказий Комитети, деб таъкидланди конференцияда, ҳар бир партия ташкилотидан совет кишиларининг „талаб-эҳтиёжларини қондиришга доимий ва зўр эътибор беришларини талаб қилмоқда. Ўн иккинчи беш йиллик вазифаларининг кўлами кенглиги ва мураккаблиги партия раҳбарлиги даражасига нисбатан юқори талаблар қўймоқда. Ҳозир ҳаётнинг ўзи ишнинг услуб ва методларини тубдан қайта қуриш зарурлигини тақозо этмоқда.

Иқтисодий тафаккурнинг янги даражасига кўтарилиш лозим. Таркиб топган бир қолипдаги эскиликлардан воз кеча олиш, топширилган иш учун шахсий масъулиятни янгича баҳолашга ўрганиш муҳимдир.

Ишимиз энг юксак мезонларга мос келиши, партия олға сураётган вазифаларга мувофиқ бўлиши учун ҳали кўп тер тўкиш керак, деб таъкидлашди коммунистлар. Бошланган 1986 йил алоҳида аҳамиятга эга. У ўн иккинчи беш йилликнинг шунчаки биринчи йилини эмас, балки жамиятимизни ривожлантиришда сифат жиҳатидан янги босқични бошлаб беради. Белгиланган топшириқларни бажариш коммунистлардан астойдил меҳнат қилишни, зўр уюшқоқлик ва ташкилотчиликни, юксак активлик ва авангардлик ролини талаб этади.

Андижон область партия комитети ўз олдида турган масъулиятли вазифаларни шараф билан бажаради, деб ишонч билдирилди.

Конференцияда область партия комитетининг, область партия ташкилоти ревизия комиссиясининг янги составлари, КПСС XXVII съездига ва Ўзбекистон Компартиясининг XXI съездига делегатлар сайланди.

Конференция ишида СССР Министрлар Совети ҳузуридаги физкультура ва спорт комитетининг раиси М. В. Грамов, КПСС Марказий Комитетининг масъул ходими Н. Е. Вологдин иштирок этдилар.

* * *

Шу куни Андижон область партия комитетининг ташкилий пленуми бўлиб ўтди. М. М. Орипжонов обкомнинг биринчи секретари, В. А. Смеюшчев иккинчи секретари, М. Муҳитдинов, А. Н. Набиев, А. Умархўжаев обком секретарлари этиб сайландилар.

ПОКИЗА НОМ

ПАРТИЯ ТУРМУШИ: ФАКТ ҲАҚИДАГИ ЎЙЛАР

Уни Бухоро, Навоий, Зарафшонда, Ўзбекистоннинг бошқа кўпгина шаҳарларида яхши билишади. Уни дадил, комсомолларнинг шижоатли етакчиси, етук, принципиал партия ходими, биллур каби пок инсон сифатида билишарди.

Иттифоқо, томдан тараша тушгандек Бўриевни шаҳар партия комитетининг биринчи секретари лавозимидан озод қилишди. Бўриевни КПСС аъзолигидан чиқаришди. Ниҳоят Бўриевни жазога ҳукм қилишди.

Уни билган кишилар бунга ишонгилари келмас, юз берган воқеани таассуфга лойиқ англашилмовчилик, кураклда турмайдиган хато ҳисобладилар. Олдиндан айтиб қўяқолайлик: одамлар худди шундай деб ўйланганларида хато қилмаган эдилар. Яқинда Иброҳим Камолович партия аъзолигига тикланди. Ундан барча айблар олиб ташланди. У ўз ишига қайта тикланди. Барибир ҳақиқат тантана қилди. Ҳалол, покиза инсон ва коммунистнинг номи оқланди. Бироқ бизнинг фикримизча, бу кўнгилсиз воқеага нуқта қўйишга ҳали эрта.

Шундай қилиб, И. Бўриевни нимага жазоладилар ва энг асосийси нима учун жазоладилар? Ёки саволни бошқачароқ қўядиган бўлсак, уни жазолаш кимга керак бўлиб қолди экан.

1980 йил сентябрида И. Бўриев Зарафшондан Наманганга асфальт-бетон заводи инженерлигига ўтказилиши муносабати билан область йўл қурилиши ва ремонти бошқармасидан ташиб келтириш учун машина сўради. Бу корхона ана шу бошқармага қарарди. Табийки, машина беришди ва бош инженер хотиржамлик билан юкларини ташиб олди. Аммо у судда шуни билиб олдики, «у хизмат мавқеидан фойдаланиб, 6-автобаза автомашинасидан шахсий мақсади йўлида фойдаланган» экан.

Айбноманинг Бўриев киритган рационализаторлик таклифига оид иккинчи моддаси ҳам бутунлай кишини ишонтирмайди. Ҳукмда бош инженер яна хизмат мавқеидан фойдаланиб, ўзи киритган рационализаторлик таклифини жорий этишдан қўрилган иқтисодий самара ҳақида сохта справка тузган ва натижада белгиланганидан кўп мукофот пули олган, дейилади. Жорий этилган рационализаторлик таклифларидан кўрилган иқтисодий самара ва айниқса мукофот пули қанча берилишини автор эмас, корхонанинг тегишли хизмат бўлинмалари белгилайди-ку. Бу ҳолда ҳам ҳужжатларга, шу жумладан янгиликни ишлаб чиқиш ва жорий қилишда қатнашган барча кишиларга мукофот пули бериш ҳақидаги ведомостга завод директори ва бош бухгалтери имзо чекканлар.

Шуни айтиш кифояки, яқинда республика Автомобиль йўллари қуриш ва фойдаланиш министрлиги Наманган асфальт-бетон заводи бош инженери киритган рационализаторлик таклифини жорий этишдан кўрилган иқтисодий самарани қайтадан ҳисоблаб чиқди ва муаллиф мукофот тариқасида берилиши лозим бўлган миқдордан икки ярим баравар кам мукофот пули олганлигини аниқлади.

Айбноманинг бошқа моддаларини таҳлил қилиб ўтирмаймиз. Уларнинг ҳаммаси юқоридаги таҳлитда. Амалда ҳеч қандай исботи йўқ гаплар. Лекин қўйилган масала битта. У айбдор, тамом-вассалом.

Бундай ҳолларда одатда суд ҳолис иш кўрмаган, ишни синчковлик билан пишиқпухта олиб боришни истамаган, барча «ҳа» ва «йўқ»ларни чуқур ўйламаган, дейилади. Ҳа, бу ўринда суд охиригача ҳамма нарсани таҳлил қилиб чиқмади ва торозига солиб кўрмади. Суд фақат жазолаши керак эди, холос.

Мана энди асосий масалага келдик. Уни жазолаш кимга керак эди? ССР Иттифоқи прокуратураси «кимга керак лигини» тўғри аниқлади.

«Сизга қарши қўзғатилган жиноий иш, — деб хабар қилишди у ердан И. Бўриевга. — Поп агросаноат бирлашмасининг собиқ бош директори А. Одилов ташаббуси билан Ўзбекистон ССР прокурори ҳузуридаги ниҳоятда муҳим ишлар бўйича собиқ терговчиси А. Алибоев ёрдамида тўқиб чиқарилган».

Шуни айтиш керакки, Одиловгача Бухоро область партия комитетининг собиқ биринчи секретари А. Каримов бор эди. Ҳозир аниқланишича у социалистик мулкни талон-торож қилувчиларга ҳомийлик қилган, пора олган ва мана энди шерикларни билан жиноий жавобгарликка тортилмоқда. Область партия конференцияларидан бирида ўша пайтда Зарафшон шаҳар партия комитетининг биринчи секретари бўлиб ишлаётган И. Бўриев обком фаолиятида жиддий нуқсонлар борлигини тилга олган. У область партия комитети биринчи секретари Каримовнинг беодоблигини, бу беодоблик кўпинча қўполликка айланишини кўрсатиб ўтган. Буларнинг ҳаммаси Каримовга ёқмади. У ўзининг якунловчи сўзида И. Бўриевни «тавбасига таянтирмоқчи» бўлди. Агар докладда Зарафшон шаҳар партия комитетининг ижобий иш тажрибаси ҳақида гапирилса, якунловчи сўзда ҳамма нарса оёғи осмондан бўлди: «Зарафшон партия ходимлари ҳаддан ташқари жиззакилик, танқидга муросасизлик қилишади», дейилди. Сўнгра эса «шу муносабат билан ўртоқларни бутун жиддийлик ва принципиаллик билан огоҳлантиришни истардик» дейилди.

И. Бўриевни «тавбасига таянтириш» обкомнинг биринчи секретари қўлидан келмади. Бўриев Тошкентга ёза бошлади. У ўз мактубларида Бухорода ёлғончилик ва кўзбўямачилик авж олаётганлигини, областда маълумотларда кўрсатилганидан икки баравар кўп пахта экилаётганини, шу йўл билан рекорд ҳосил олинаётганини маълум қилди.

Бироқ вазият бошқача эди. Унинг хатларини Тошкентдан қаерга жўнатишди? Сиз кимга деб ўйлайсиз? Худди Каримовнинг ўзига юборишди. Каримов эса Зарафшон шаҳар партия комитети биринчи секретарининг «ўжарлигини» яхши биларди. Бўриевнинг обком биринчи секретари бетига қараб: «сен порахўр ва товламачисан, шунинг учун сен бу юксак лавозимни эгаллашга ҳаққинг йўқ» деб айтган сўзлари Каримовнинг сабр косасини тўлдириб юборди.

Ҳамма ҳам обкомнинг биринчи секретарига дадиллик билан шундай гапларни айтишга журъат қилолмайди, десак фикримизга қўшиларсиз. Бунинг устига Каримов ўша пайтда шон-шуҳрат чўққисида эди. Бўриев эса шунга журъат қилди. Шу воқеадан сўнг уни Зарафшон шаҳар партия комитети биринчи секретарлигидан озод қилдилар.

Энди Одилов ҳақида. Аслида унинг кимлигини эндиликда республикада яхши билишади. Бу киши узоқ йиллар мобайнида уялмай-нетмай беорларча давлат мулкини ўғирлаб келди. Ҳар қандай пасткашликдан қайтмади. Одамларнинг қадр-қимматига тажовуз қилишгача бориб етди. Тақдири нима бўлгани ҳам маълум. Одилов ҳибсга олинди ва жиноий жавобгарликка тортилмоқда. Аммо у пайтда совхоз ишлаб чиқаришининг йирик ташкилотчиси ва омилкор раҳбари сифатида ном чиқарганди. Республикада у ҳақда бундан бошқача гап айтишмас эди.

Хўш, қандай қилиб Бўриев Одиловга қора ишларни қилишида тўсқинлик қилиши мумкин эди? Ахир у Бухоро областининг Зарафшонида, бошқаси эса Наманган областининг Попида бўлса?! Улар иш юзасидан ҳам бир-бирларига гўё алоқалари йўқдек... Ҳозир тушунтираман.

Бўриев шаҳар партия комитети секретарлиги лавозимидан озод қилингач, биз ҳозир билганимиздек, Наманган асфальт-бетон заводининг бош инженери бўлиб ишлай бошлади. Ана шу пайтда Одилов Бўриевга, ўзи айтгандек, саноат бўйича (бирлашмада совхозлардан ташқари заводлар ҳам бор эди) ўринбосар бўлишга зўр бериб кўндиришга уринди. Улар бир неча марта учрашишди. Узоқ суҳбатлашишди. Шунда Бўриев кўз ўнгида ифлос, узил-кесил бузилган ва жамият учун ғоятда хавфли одам турганлигини тушуниб етди. Область прокуратураси Одиловга қарши иноний иш қўзғаганда Бўриев ёрдамидан ҳам фойдаланди.

Ҳамма ҳадемай ашаддий жиноятчи устидан суд бошланади, деб кутарди. Лекин суд бўлмади. Жиноий ишни ими-жимида ёпиб юборишди. Шундан сўнг Бўриевдан узр сўраб хат ёзишни талаб қила бошладилар. У бундай мактуб битишни қатъиян инкор этди. Уни қўрқита бошладилар. Бироқ Бўриев сўзида туриб олди: Одилов жиноятчи ва у эртами кечми, барибир суд олдида жавоб бериши керак.

Ана ўшанда И. Бўриев устидан жиноий иш тўқиб чиқарилди. Прокуратура органларида давлат мулкини ўғирлаб келди. Ҳар қандай пасткашликдан қайтмади. Одамларнинг қадр-қимматига тажовуз қилишгача бориб етди. Тақдири нима бўлгани ҳам маълум. Одилов ҳибсга олинди ва жиноий жавобгарликка тортилмоқда. Аммо у пайтда совхоз ишлаб чиқаришининг йирик ташкилотчиси ва омилкор раҳбари сифатида ном чиқарганди. Республикада у ҳақда бундан бошқача гап айтишмас эди.

Бироқ вазият бошқача эди. Унинг хатларини Тошкентдан қаерга жўнатишди? Сиз кимга деб ўйлайсиз? Худди Каримовнинг ўзига юборишди. Каримов эса Зарафшон шаҳар партия комитети биринчи секретарининг «ўжарлигини» яхши биларди. Бўриевнинг обком биринчи секретари бетига қараб: «сен порахўр ва товламачисан, шунинг учун сен бу юксак лавозимни эгаллашга ҳаққинг йўқ» деб айтган сўзлари Каримовнинг сабр косасини тўлдириб юборди.

Ҳамма ҳам обкомнинг биринчи секретарига дадиллик билан шундай гапларни айтишга журъат қилолмайди, десак фикримизга қўшиларсиз. Бунинг устига Каримов ўша пайтда шон-шуҳрат чўққисида эди. Бўриев эса шунга журъат қилди. Шу воқеадан сўнг уни Зарафшон шаҳар партия комитети биринчи секретарлигидан озод қилдилар.

Энди Одилов ҳақида. Аслида унинг кимлигини эндиликда республикада яхши билишади. Бу киши узоқ йиллар мобайнида уялмай-нетмай беорларча давлат мулкини ўғирлаб келди. Ҳар қандай пасткашликдан қайтмади. Одамларнинг қадр-қимматига тажовуз қилишгача бориб етди. Тақдири нима бўлгани ҳам маълум. Одилов ҳибсга олинди ва жиноий жавобгарликка тортилмоқда. Аммо у пайтда совхоз ишлаб чиқаришининг йирик ташкилотчиси ва омилкор раҳбари сифатида ном чиқарганди. Республикада у ҳақда бундан бошқача гап айтишмас эди.

Хўш, қандай қилиб Бўриев Одиловга қора ишларни қилишида тўсқинлик қилиши мумкин эди? Ахир у Бухоро областининг Зарафшонида, бошқаси эса Наманган областининг Попида бўлса?! Улар иш юзасидан ҳам бир-бирларига гўё алоқалари йўқдек... Ҳозир тушунтираман.

Бўриев шаҳар партия комитети секретар

ЧОРВАЧИЛИК—ЗАРБДОР ФРОНТ

• БЕШ ЙИЛЛИК ИЛҒОРЛАРИ

«ПОМИҚ»ЛИК ЧЎПОН

Қарши чўли яйловларининг бир этаги Қизилқумга уланган бўлса, бир этаги Амударё соҳилларига бориб тақалган. Ҳиқоямиз қаҳрамони, «Ўзбекистон» давлат наслчилик заводининг бош чўпони, республикада хизмат кўрсатган чорвадор Тўймурод Нуровнинг отари ўрта булоқ яйловларида жойлашган. Билинар-билинмас из солинган ўтлоқ йўлдан бир неча чақирим юрганимиздан сўнг отар кўринди. Яйловга бир текис ёйилган қоракўл қўйлар ўтлаб юришибди.

Отардан ажралиб келган йигит билан танишдик. Эгамберди Таниқулов — Тўймурод аканинг ёрдамчиси экан.

— У киши ҳозир келиб қолади. Қўшни мусобақадош отардан хабар олай, деб кетувдилар, деди у.

Кўп ўтмай уфқ томонда қора нуқта пайдо бўлди. Мотоцикл минган Тўймурод ака зум ўтмай етиб келди.

—Айбга буюрмайсиз. Жўрабой акадан ҳол-аҳвол сўраб борувдим. Дуруст, тинч экан...

Тўймурод Нуров чўлни бошдан-оёқ пиёда кезиб чиққан чўпонлардан. Бу ерда унга ер, ҳар бир гиёҳ таниш! Айт деса, юз хил гиёҳнинг ҳам номини ёддан айтиб беради. Тадбиркор чўпон олдинги беш йилликда хўжалик чорвасига тўрт отар қўй қўшганди. Ўн биринчи беш йилликда ҳам ҳар йили бир отарни икки отарга айлантирди. Агар ҳар отарда минг бошга яқин қоракўл борлигини ҳисобга олсангиз, унинг баракали меҳнатини ёркин тасаввур қиласиз!

Чўпон боқимидаги «помиқ» зотли қўйлар ҳақида гапирганда касбига бўлган жонкуярлигини, ўз соҳасининг тажрибали ,билимдон кишиси эканлигини илғаб оласиз.

— Хўжалигимизда қўйлар зотини яхшилашга катта эътибор бериляпти, — дикоя қилади у. — Ўн беш йиллик меҳнатимиз эвазига қоракўл қўйларнинг «помиқ» зотини яратдик.

— Бу зотли қўйларнинг афзаллиги нимада? — қизиқиб сўраймиз чўпондан.

— «Помиқ» зотли қўйлар бақувват, қоракўли сержингалак, жуни сифатли, мўл ва чўл зонасига жуда мослашган, чиқими кам жонивордир. Ҳозир отаримизда, шу наслли 600 бош қўй бор. Уларга Европа, Африка, Ҳиндистон, Покистон, Эрон, Афғонистон, ҳатто Америка чорвадорлари ҳам ишқибоз. «Қаламгули» номли қоракўл теримиз жаҳон бозорида олтин баҳосига тенг. Хўжалигимиз етиштираётган қўракўл терилар сифат жиҳатдан биринчи ўринга чиқди. Бутуниттифоқ Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасидан алоҳида жой олган.

Чўпон сурувдан ажралиб чиққан дуркунгина бир қўзини чапдастлик билан ушлаб олди-да, бизга қўрсата бошлади.

— Буни қаранг,—«қаламгули» дегани шу. Гулдорлигига баҳо беринг! Нақ гиламга ўхшайди. — У қўзини қўйиб юборди-да, яна гапга тушди. — Қоракўл терилари нинг тури кўп: қора, кўк, жигар ранг, пушти ранг (гулигаз ҳам дейишади), халилий, тилла сур, кумуш сур, гулли сур... Биз асосан «жакет» ва «жакет қалин» сортларига тери топширамиз. Уларнинг қадри баланд. Илгари оқ ва оларанг терилар ҳам учраб турарди. Бу, шубҳасиз, қоракўл қимматини туширади. Биз унга барҳам бериб, майдагул терили қўзиларни кўпайтирямиз. Ўн биринчи беш йилликда отар бўйича давлатга 3 минг дона қарокўл тери топширдик. Бу — беш йиллик план икки ҳисса бажарилди, дегани. Йил сайин қўзи, жун олиш топшириқларини ошириб бажаряпмиз. Масалан, ўтган йили отар бўйича 125 центнер жун қирқиб олдик.

Кўксини учинчи, иккинчи даражали Меҳнат Шуҳрати орденлари безаб турган моҳир чўпон ўзининг ўттиз йиллик фаолияти мобайнида ўн нафар ёшга устозлик қилди. Ҳалол меҳнат ортидан Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига сайланди. Сайловчилар накази билан «Помиқ» посёлкасини газлаштириш лойиҳасини тайёрлатишга эришди.

— Ҳадемай, чорвадорларимиз хонадонларига табиий газ кириб келади, — дейди чўпон фахр билан.

...Кеч кириб, отарларнинг боши сувлашга бурилди. Артезиан қудуғининг атрофи қўйларга тўлди. Кун бўйи қўй изидан юрган чўпон энди бироз ором олади. Биз ҳам хайрлашиб, изимизга қайтдик.

А. АМИНОВ,
Баҳористон районы.

МАБЛАҒ САРФИ КАМАЙДИ

СИРДАРЁ. Сирдарё районидаги «Малик» совхози чорвадорлари озуқа тайёрлашни тўлиқ механизациялаштириш эвазига сут ишлаб чиқаришга сарфланадиган маблағни қарийб 40 минг сўм камайтиришга муваффақ бўлдилар. Бир центнер сутнинг таннархи 27 сўмни ташкил этди. Бу кўзланганидан бир сўм камдир.

Совхознинг чорвачиликдан олаётган йиллик фойдаси ўртача 300 минг сўмни ташкил этади.

Суратда: илғор сут соғувчилардан (чапдан ўнгга, биринчи қаторда) Э. Йўлчибоева, З. Набиулина, (иккинчи қаторда) В. Орлова, А. Клименко, М. Аҳмедова ўртоқларни кўриб турибсиз.

В. Втюрин фотоси (ЎзТАГ).

ОЗИҚ-ОВҚАТ ПРОГРАММАСИ—АМАЛДА

МАЪМУРЧИЛИК МАНБАИ

Чиноз районидаги «Чиноз» давлат-наслчилик совхоз-техникумида чорвачиликни интенсив ривожлантириш ҳисобига моллар маҳсулдорлигини ошириш, гўшт ва сут етиштиришни кўпайтириш борасида йил сайин қувончли ютуқлар қўлга киритиляпти. Бу ерда мўл-кўл озуқа жамғариш, ундан тежаб-тергаб, самарали фойдаланиш, моллари парвариш қилишда илм-фан ютуқларини ишлаб чиқаришга тобора кўпроқ жорий этиш, чорвадорларнинг унумли ишлашлари ва кўнгилли ҳордиқ чиқаришлари учун етарли шарт-шароитлар яратиб бериш — эришилаётган муваффақиятларнинг асосини ташкил этади.

Қуйида хўжалик чорвадорларининг мўл-кўл маҳсулот етиштириш борасидаги тажрибалари ҳақида ҳикоя қиламиз.

ТЕЖАМКОРЛИК — МУВАФФАҚИЯТ ГАРОВИ

Совхоз-техникум коллективининг тажрибасини ўрганиш учун республикамизнинг кўплаб хўжаликларидан одамлар келиб туришади. Бошқа областдан келган хўжалик раҳбарларидан бири совхоз-техникумда ем-хашак тайёрлаш ишлари билан қизиқиб қолди.

— Сизларда ҳар бир қорамол учун қанча озуқа бирлиги жамғариляпти? — сўради у хўжалик директори Н. Гусаковдан.

— Ўз ерларимизда етиштирилган озуқани ҳисоба оладиган бўлсак, ҳар бир бош қорамол учун 22,5 центнер озуқа бирлиги тайёрлаганмиз.

— Мана шу жамғарилган ем-хашак моллар маҳсулдорлигини камайтирмаган ҳолда уларни қишловдан семиз ва соғлом олиб чиқишга етадими? Масалан, биз ҳам хўжалигимизда ҳар бир қорамол ҳисобига 25 центнердан ошириб озуқа бирлиги тайёрлаяпмиз-у, аммо март, апрель ойларига бориб, тугаб қоляпти. Натижада баҳорда моллар ориқлаб, сут соғиб олиш кескин камайиб кетмоқда. Балки сизда бошқа резервлар бордир?

— Бор, — деди директор. — Асосий резервимиз тежамкорлик. Жамғарилган озуқадан оқилона, самарали фойдаланамиз.

Совхоз-техникумда аввало, мўл-кўл озуқа базасини вужудга келтиришга биринчи даражали вазифа, деб қаралади. Бу ерда тўртта қорамолчилик фермаси бўлиб, ҳар бир фермага учтадан ем-хашак етиштириш бригадаси бириктирилган. Озуқачилик бригадалари иш самарадорлигини ошириш, мўл ва сифатли ем-хашак жамғариш мақсадида маълум турлардаги озуқа экинлари етиштиришга ихтисослашган.

— Бунинг самараси катта бўлмоқда, — дейди хўжалик бош агрономи Авғонбой Ўринбоев. — Шундай қилинганда бригада аъзолари ўзлари парваришлаётган экин агротехникасини мукаммал ўзлаштириб олишади. Беда, маккажўхори, лавлаги каби озуқа экинлари катта майдонларга экилганда бу ерларда техникадан унумли фойдаланиш илғор технологияни қўллаш ва деҳқончилик маданиятини юксалтириш учун кенг имкон яратилади. Ташаббус кўрсатиб, ҳалол тер тўккан деҳқоннинг ҳосили унумли, даромади баракали бўлади. Бундан ташқари озуқа етиштирувчи бригадаларда ҳам, фермаларда ҳам — иш бригада пудрати асосида ташкил этилган. Уларнинг моддий манфаатдорлиги мўлкўл ем-хашак етиштиришгагина эмас, балки фермалар фаолиятининг пировард натижасига ҳам боғлиқ.

Аким Исабеков бошлиқ коллектив фақат беда етиштириш билан шуғулланади. Олдинги йили ҳар гектар ердан пландаги 150 ўрнига 220 центнердан ҳосил олишган натижада ҳар бир ишчининг ўртача ойлик иш ҳақи 181 сўмга тўғри келган. Ўтган йилги ҳосил янада баракали бўлди. Гектар ҳосибига 228 центнердан пичан йиғиштириб олинди. Демак, даромад яхши бўлди.

Совхоз-техникумда бу йилги қишлов учун жами 12574 тонна дағал хашак, шу жумладан 4757 тонна пичан, 7538 тонна сенаж жамғарилди. Бундан ташқари 16343 тонна силос, 3700 тонна лавлаги тайёрлаб қўйилди.

Хўжаликда жамғарилган озуқаларни сарфлаш нормаси қиш ойлари учун белгилаб чиқилган. Унинг бажарилиши юзасидан қатъий назорат ўрнатилган. Бу ерда ҳар қандай озуқанинг озгина бўлса-да, исроф бўлиши фавқулодда ҳол ҳисобланади. Нобудгарчиликка йўл қўймаслик, озуқанинг тўйимлилигини ошириш ва молларнинг иштаҳа билан ейишини таъминлаш мақсадида иккита озуқа цехи айни кунларда унумли ишлатилмоқда. Сут комплексида қурилган КОР-15 озуқа цехида бир кеча-кундузда 40 тоннагача ширали ва тўйимли озуқа тайёрланаётир.

САМАРАДОРЛИКНИ КЎЗЛАБ

Совхоз-техникумда наслчиликка катта эътибор бериб келиняпти. Бу ерда боқилаётган 5150 та қорамолнинг ҳаммаси юқори маҳсулли. Чорвадорлар соғлом, зотдор бузоқлар олишга алоҳида эътибор беришаётир. Хўжаликда йилига 1800—1850 та бузоқ, шу жумладан 800—850 та буқача олинади. Бузоқларнинг қарийб беш юзтаси бошқа хўжаликларга сотилади. 250—300 таси Оҳангарондаги «ВЛКСМ 50 йиллиги» комплексига бўрдоқига боқиш учун юборилади. Қолган бузоқлар хўжаликдаги подани ремонт қилиш учун қолдирилса, буқачалар шу ерда бўрдоқига боқиб семиртирилади.

— Мол зотдор бўлса-ю, боқиш ҳозирги замон талаблари асосида оқилона йўлга қўйилмаса, унинг юқори маҳсуллигини таъминлаш қийин, — дейди бош зоотехник Эргаш Бобошев. — Шу туфайли хўжалигимизда оддий молбоқар ва сут соғувчидан тортиб, то етакчи мутахассисгача ишда меҳнат, давлат ва технология интизомига риоя этиши нормага айланган. Сигирлар туғишидан олдин 2 ой мобайнида тўйимлилиги оширилган рацион асосида боқилади. Бундан ташқари янги туққан моллларга ҳам 10—15 кун мобайнида кучайтирилган рацион белгиланади. Бузоқларга эса, ёшлигидан бошлаб турли хил витаминли озуқалар едиришга ҳаракат қиламиз.

Хўжаликда поданинг ҳар бир туркуми учун махсус рацион белгиланган бўлиб, у фақат зарур ҳолларда, мутахассисларнинг рухсати билангина ўзлаштирилиши мумкин. Молларнинг қишлов даврида маҳсулдорлигини таъминлаш — рацион интизомини бузмасликка боғлиқ Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига кўра агар озуқа цехи бир кун тўхтаб қолгудек бўлса, совхоз-техникум бўйича сут тайёрлаш 500 килограмм камайиб кетади.

Фермалардаги асосий иш жараёнлари: озуқа тарқатиш, соғиш, тозалаш ишлари меҳанизмлар ёрдамида амалга оширилади. Ветеринария хизмати ҳодимлари молларни тез-тез кўрикдан ўтказиб, керак бўлса, малакали ёрдам кўрсатиб туришибди. Шу туфайли хўжаликда маҳсулдорликнинг муттасил ошиб боришига эришилаётир. Чорвадорлар ўтган йили 7 минг тонна сут, 500 тонна гўшт етиштирдилар.

РЕЗЕРВЛАР ИШГА СОЛИНСА...

Хўжаликда ҳар бир сигирдан ўртача 4500 килограмм сут соғиб олиниб, гўштга топширилаётган молларнинг тирик вазни 505 килограммга етказилмоқда. Бундан ҳам юқори кўрсаткичга эришиш учун фермаларда талайгина резерв ва имкониятлар мавжуд. Масалан, иккинчи фермада ҳар бир сўғин сигирдан 5100—5200 килограммдан сут соғиб олиняпти. Илғор сут соғувчилар бу кўрсаткични 5400—5500 килограммга етказишаётир. Ана шу омилкорлар тажрибаси барча фермаларда қарор топса, сут тайёрлашнинг янада кўпайиши муқаррар.

Бундан ташқари озуқа цехлари фақат сутчилик комплекси ва иккинчи фермадагина қурилган. Бу цехларда тайёрланган озуқани бошқа фермаларга ўз вақтида етказиб беришнинг имконияти бўлмаяпти. Агар бошқа фермаларда ҳам озуқа цехлари қуришга қанчалик тезроқ киришилса, моллар маҳсулдорлигининг янада ўсишига шунчалик эрта эришилган бўларди.

МЕҲНАТДАН КЕЛСА БОЙЛИК...

Хўжалик ҳар йили маҳсулот етиштириш ва давлатга сотиш, наслли молларни бошқа хўжаликларга етказиб беришдан қарийб 3 миллион сўм даромад қилмоқда. Шунинг бир миллиони — соф фойда. Шу ҳисобдан меҳнаткашлар турмуш даражаси яхшиланаётир. 600 ўринли замонавий клуб, болалар боғчалари, савдо тармоқлари, маиший хизмат корхоналари хизматидан чорвадорлар ҳурсанд. 400 ўринли икки қаватли боғча, туғруқхона қурилиши ниҳоясига етай деб қолди. 1,5 минг ўқувчига мўлжалланган мактаб қурилаётир.

Фермаларда иш шароитини яхшилашга эътибор катта. Илгари ҳар бир соғувчига муайян соғин сигир бириктириб қўйилар ва уларни ҳар куни уч маҳал ўша ишчининг ўзи соғарди. Бунинг учун эрталаб соат тўртдан иш бошлаб, кечқурунги саккизда ишни тугалларди. Уйрўзғорга қараш, дам олишга эса жуда оз вақт қоларди. Бу ўз-ўзидан соғувчиликка ёшларнинг кам келишига сабаб бўларди.

Эндиликда сут соғувчилар иши икки сменада ташкил этилди. Чорвадорлар кўпроқ бўш бўлиш билан бирга ҳафтада бир кун дам ҳам олишяпти.

Ҳозир совхоз-техникумдаги сут соғувчиларнинг ўртача ойлик иш ҳақи 250 сўмга тўғри келяпти. Пешқадам операторлардан Султония Асанова, Надежда Дворченко, Искандер Усаинов, Фануза Беккулова, молбоқарлардан Асил Расулов, Худоёр Аллаёров, Асан Аметовлар ҳатто 350—400 сўм атрофида маош олишаётир.

Ҳа, улар фидокорона меҳнат эвазига эл дастурхонини тўкин қилишаётир ва ўзлари ҳам фаровон ҳаёт кечиришаётир.

К. РИХСИЕВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбири.

ИЛК ЗАРБДОР КУНЛАР

Колхозимизнинг сут-товар фермасида 970 бош қорамол бор. Шундан 384 таси соғин сигирлардир. Ўтган йили уларнинг ҳар биридан 2800 килограммдан сут соғиб олинди.

Бу йил эса шу кўрсаткични ҳар бир сигир бошига ўртача 3 минг килограммга етказишга сўз берганмиз. Бунинг учун йилнинг дастлабки кунлариданоқ говмишлардан соғиб олинаётган сут миқдорини кунига ўртача 2—2,5 килограммга оширишни кўзлаб меҳнат қиляпмиз.

Колхозимизда 21 соғувчи бор. Уларнинг ҳар бири шу кунларда қарамоғидаги сигирларнинг ҳар биридан пландаги 8—9 ўрнига 10—11 килограмм сут соғиб олишаётир. Шу йўл билан Ватанга чорвачилик маҳсулотлари етказиб бериш биринчи квартал топшириғини КПСС XXVII съезди очиладиган кунгача адо этишга сўз берганмиз.

М. БОТИРОВА,
Тошкент область, Пискент районидаги Охунбобоев номли колхоз сут-товар фермаси соғувчиси.

МЕҲНАТ КОЛЛЕКТИВЛАРИДА

ВАЪДАГА ВАФО

◆ Ўзбекистон қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинати металлургларининг мажбуриятда белгиланган маррани барвақт эгалладилар. Улар меҳнат унумдорлигини пландан ташқари бир ярим процент оширишга муваффақ бўлдилар.

Ишлаб чиқаришнинг барча бўғинлари ўзаро ҳамкорликда пухта ишлаши, қувватлардан самарали фойдаланилаётгани, съездолди мусобақаси юксак маромда давом этаётгани натижасида шундай муваффақиятга эришилди. Донгдор ишчи Арина Шек мусобақада ғолиблик қилмоқда. У тармоқ нормасидаги 10 та ўрнига 24 та станокда ишлаб, ўтган беш йилликда ўн уч йиллик топшириқни бажарди.

Пайвандчи М. Мирмусаев, У. Авазов, темирчи А. Москвин ва бошқалар икки беш йиллик планларини бажариб бўлганликлари ҳақида рапорт беришди. Комбинатда ҳаммаси бўлиб 600 дан кўп металлург беш йиллик планини барвақт бажарди.

РАЙОНДА БИРИНЧИ

◆ Наманган область Советининг депутати, «Ғулбоғ» совхозининг сут соғувчиси Фотима Ҳамдамова съездолди мажбуриятини шараф билан бажарди.

У Задарё райони бўйича сут соғиб олишда энг юқори кўрсаткичга эришди. Ўтган йили ҳар бош сигирдан 4500 килограммдан жами 136 тонна сут соғиб олди. Айни пайтда депутат кўпгина жамоат топшириқларини ҳам бажармоқда. Илғор тажриба мактабида ёш дуғоналарига ўз тажрибаларини ўргатмоқда. Ҳозир йигирма нафар сут соғувчига мураббийлик қилмоқда.

МЕТАЛЛ ТЕЖАЛМОҚДА

◆ Фарғона газ аппаратлари заводи ишлаб чиқараётган ҳар бир газ плитасига металл сарфи икки килограмму уч юз грамм камайтирилди.

Завод рационализаторлари ишлаб чиққан таклифларни жорий этиш шундай самара берди. Рационализаторлар тунукани бичиш технологиясига ва айрим деталларни тайёрлашга ижобий ўзгаришлар киритиб, сифатга зарар етказмаган ҳолда аппарат тунукасини юпқалаштиришдилар. Бундан ташқари, бир қанча узелларни эндиликда ишлаб чиқариш чиқиндиларидан тайёрламоқдалар.

Мутахассисларнинг ҳисоб-китобига кўра, тежалган 318 тонна металл саккиз ярим минг газ плитасини тайёрлашга етади.

ПУДРАТ УСУЛИ ЁРДАМ БЕРДИ

◆ Кўпгина бригадалар пудрат усулида ишлашга ўтганлиги «Кизилкумгеология» бирлашмасига қарашли Довқизтов геология-разведка экспедицияси коллективига хом ашё ва ёнилғини тежаш соҳасидаги мажбуриятларнинг муҳим бандини муддатидан илгари бажариш имконини берди.

Ўтган йилнинг ўзидагина 192 минг сўмлик ёнилғи, пўлат қувур, прокат, ёғоч-тахта тежалди.

Пудрат усулига ўтилганлиги туфайли кончилар ва пармаловчиларнинг янги техника ва илғор технологияни жорий қилишдан манфаатдорлиги ошди. Масалан, ер ости ишларида вагонеткаларни алмаштириш учун махсус платформалар ишлай бошлади. Янгиликни жорий этишдан 244 минг сўмлик иқтисодий самара олинди. Такомиллаштирилган металл мустаҳкамлагич қарийб 350 минг сўмни иқтисод қилиш имконини берди.

(ЎзТАГ).

Чет элларда

ВОҚЕАЛАР • ХАБАРЛАР • ФАКТЛАР • ШАРҲЛАР

ИСТИҚБОЛНИ КЎЗЛАБ

Бутун ер юзидаги кишилар янги йилни истиқболга ишонч билан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тинчлик йили деб, эълон қилган 1986 йил тинч ўн йилликларга айланади, инсоният XXI асрга тинчлик, ишонч ва ҳамкорлик шароитида қадам қўяди деган умид билан кутиб олдилар. Совет Иттифоқининг тинчлик ташаббуслари, унинг тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлашга, халқаро муносабатларни соғломлаштиришга, ўзаро ҳамжиҳатлик, ишонч ва қуролсизланишга олиб борадиган йўлларни қидириб топишга қаратилган актив куч-ғайратлари миллион-миллион кишилар қалбига ишонч ва умид бағишламоқда.

Турли мамлакатларнинг оммавий ахборот воситалари, таниқли сиёсат ва жамоат арбоблари КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг совет телевидениеси орқали сўзлаган нутқини, унинг Америка Қўшма Штатлари халқига мурожаатини ва Катта Лондон кенгашининг раҳбари К. Ливингстоннинг мурожаатига қайтарган жавобини юксак баҳоламоқдалар.

М. С. Горбачевнинг Янги йил мурожаати, деб ёзади Чехословакиянинг **«Руде право»** газетаси, умидворлик, социализм ва бутун тинчликсевар инсониятнинг битмас-туганмас куч-қудратига чуқур ишонч билан суғорилган. Мурожаатда халқаро муносабатларда маърифатли асримиз одамларига хос маданийликни бағишлаш, инсоният узра пайдо бўлган хавф-хатарнинг олдини олиш вазифасини фарзандларимиз зиммасига юкламасликдан иборат аниқ-равшан ва олижаноб мақсад ўртага қўйилган.

Совет Иттифоқи Женевада бўлиб ўтган Совет—Америка учрашувида вужудга келган яхши истиқболга ишонч воқеликка айланиши учун қатъият билан иш олиб боришини маълум қилади, деб ёзади ГБСП Марказий Комитетининг органи **«Нойес Дойчланд»** газетаси. Ҳаёт, деб таъкидлайди газета, Ерда ядровий қуролланиш пойгасини тўхтатиш ва шундай пойганинг космоса ёйилишининг олдини олиш йўлидан боришни баралла ва қатъиян талаб қилмоқда.

Ядросиз зона учун кураш ҳаракати — бу идеалистик хомхаёл бўлмай, балки оддий кишиларнинг тинчликка, ҳамкорлик ва кескинликни юмшатишга бўлган ҳоҳиширодасининг ифодасидир, деб таъкидлайди Болгарияда чиқадиган **«Работническо дело»** газетаси.

Совет раҳбари ҳақли равишда таъкидлаганидек, ҳозирги дунёда қуролнинг янги турлари ҳисобига ўз хавфсизлигини мустаҳкамлашга эришиш мумкин, деб ўйлаш бемаъниликдир, деб ёзади Ҳиндистонда чиқадиган **«Ҳинду»** газетаси. Қуролланиш пойгасида қўйилган ҳар бир янги қадам бутун инсоният учун хавф-хатарни кучайтиради.

Ҳаёт ядро аслаҳаҳоналарини қисқартириш ва космосни тинч сақлаб қолиш йўлидан боришни қатъий тақозо этади. Совет Иттифоқи айнан шу йўлдан бормоқда.

(ТАСС).

«Самовий урушлар» лойиҳаси йўқолсин. Германия Федератив Республикаси унда қатнашмаслиги керак!» Гамбург марказий майдонидаги намойишда қатнашаётган мана бу киши қўлидаги брошюрага шу сўзлар ёзилган. Ун минглаб кишилар Гамбургдаги «Тинчлик форуми»нинг чақириғига биноан намойишда иштироқ этмоқдалар. Уларни бир мақсад—ядро ҳалокатининг олдини олишга бўлган интилиш бирлаштирмоқда. «Тинчлик форуми» ташкилоти мамлакатнинг шимолида ташкил этилган бўлиб, у ўз атрофига аҳолининг турли табақаларини ва турли сиёсий партиялар вакилларини уюштирган.

(ТАСС фотохроникаси).

ЖАНГ ДАВОМ ЭТМОҚДА

КОБУЛ. Пуштун қабилалари яшайдиган зонада африди ва шинвари отрядлари билан Покистон мунтазам армиясининг бўлинмалари ўртасида аёвсиз қуролли тўқнашувлар давом этмоқда. Бахтар агентлигининг хабар беришича, Покистон ҳарбийлари пуштунларнинг уй-жойларини яксон қилиш учун Бара районига 20 та танк, 40 та бронетранспортер ва 500 солдат ташлаган. Жазо отряди базасига қайтиб келаётганида африди қабиласининг отрядларидан бири уларга ҳужум қилди. Ўртада бўлиб ўтган жанг чоғида бронетранспортер мажақланди. Покистоннинг икки ҳарбий хизматчиси ўлдирилди. Бошқа бир хабарга кўра, босқинчилар Сур Камар районида пуштунларнинг уй-жойларини ер билан яксон қилган. Африди қабиласи ана шу ваҳшиёна ҳаракатга жавобан Бара районида Покистон армиясининг бўлинмасига ҳужум қилган. Покистоннинг 11 солдати ўлдирилган.

Исломободдаги режим мустақил қабилаларга қарши курашда афғон аксилинқилобчи тўдаларидан кенг қўлламда фойдаланмоқда. (ТАСС).

АХБОРОТ

БИРОДАРЛАР УЧУН ЁРДАМ

◆ Қайроққумда бўлган табиий офат барча совет кишиларининг қалбини ларзага солди.

Жиззах 1-қурилиш материаллари комбинати коллективи тожик биродарларига ёрдам қўлини чўзди. Ҳар бири икки квартирали 33 та коттеж уй ортган автопоезд колоннаси Қайроққумга жўнаб кетди.

Бу уйлар монтаж қилиб бўлингач, зилзиладан зарар кўрган 66 оила кўчиб киради.

АРХЕОЛОГИК ҚАЗИШМАЛАР

◆ Ўзбекистон ССР Фанлар академияси археология институтининг Жиззах отряди олиб бораётган қазишмалари катта қизиқиш уйғотмоқда.

Археологлар Зомин, Зарбдор, Жиззах, Ховос районлари территорияларида қадимда бўлган Уструшона давлатига даҳлдор манбалар билан қизиқаётирлар.

Чакалактепа, Ғишттепа, Мачиттепа сингари ўнлаб тепалик ларда ўтказилган қазишмалар пайтида қизил сопол парчалари, сопол қувурлар топилди. Топилдиқлар Уструшонадаги айрим қалъа ва қўрғонларнинг қурилганига 2000 йил бўлганлигидан дарак бермоқда.

Қазиш ишлари давом этяпти. Келгусида Уструшонанинг фанга маълум бўлмаган археологик ёдгорликлари аниқланса, ажаб эмас.

ТАҚДИР ТАҚОЗОСИ

◆ Жиззахлик Петр Багурин ва андижонлик Исмоил Садердинов бир пайтда — 1942 йилнинг сентябрь ойида фронтга жўнашди.

Улар бир полкда, битта миномётчилар бригадасида хизмат қилиб Москва остоналаридан Берлингача бўлган оловли йўлни босиб ўтишди. Урушнинг охирларида Садердинов оғир яраланиб госпиталга тушгач, икки дўст ажраб кетишади. Ғалабадан сўнг Исмоил Садердинов ўз оиласини Самарқанддан топади. 1955 йили эса Жиззахга кўчиб келади. Икки полкдош қарийб ўттиз йил бир-бирини излашади. Ҳарбий қисмларга, архивларга хат ёзишади, аммо дарак бўлмади.

Ниҳоят, кутилмаган тасодиф қуролдошларнинг дийдор кўришишига сабаб бўлди. Яқинда уруш ва меҳнат ветерани, Шуҳрат ордени кавалери Исмоил Садердинов чақирув қоғози билан Жиззах шаҳар уруш ветеранлари Советига кириб келади. Кутиш залида ўтирган кекса рус кишиси унинг кўзига иссиқ кўринади.

— Сен Петр эмасмисан? — дея олади ҳаяжондан титроқ босиб.

— Исмоил! — дея унинг қучоғига отилди нуроний кекса.

Атрофдагилар бу учрашувдан ҳангу-манг эдилар. Маълум бўлишича, икки собиқ дўст ўттиз йилдирки бир шаҳарда яшар, аммо бир-бирларидан бехабар эканлар.

Ҳ. НАБИРАЕВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ЗАМИРАНИНГ ЖАСОРАТИ

Ўт ўчирувчилар беш яшар Замирага чиройли қўғирчоқ совға қилдилар.

...Андижон гидролиз заводи ишчиси К. Долимовнинг уйида учта бола: Замира, уч яшар Нилуфар ва тўққиз ойлик Қаҳрамон қаровсиз қолдирилди. Онаси иш билан уйдан чиқиб кетгандан кейин ловиллаб ёнаётган печка олдида турган бешиккa учқун сачраб ёна бошлади.

Замира ўзини йўқотиб қўймади. Укасини кўчага олиб чиқиб коляскага ўтказди, шамоллаб қолмасин деб кўрпачага ўраб қўйди.

Нилуфар эса уйда қолган эди. Замира унинг бақирганини эшитиб, ўзини тутун орасига урди ва синглисини кўчага олиб чиқди. Бу вақтда уй поли ёна бошлаган эди...

Қўшнилар деразадан тутун чиқаётганини сезиб, югуриб келишди. Пақирда сув ташиб, ёнғинни ўчира бошлашди. Ўт ўчирувчилар командасини чақиришди. Болаларнинг отаонаси етиб келганда ўт ўчирилган эди. Нилуфар билан Қаҳрамон осойишта ухлашар, опаси Замира укаларига қараб ўтирар эди.

К. НИЗОМОВ,
(ЎзТАГ мухбири).



ИШ ҚУРОЛИ СОЗ БЎЛСА

«Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси махсус станоксозлик конструкторлик-техника бюроси ходимлари ҳозирги пайтда рақамли программа билан бошқариладиган вертикаль-фрезерлик станоклари устида иш олиб бормоқдалар. Бу мукаммал техникадан фойдаланиш меҳнат унумдорлигини ошириш, мураккаб техника деталлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш имконини бермоқда.

Суратда: созловчи Н. Г. Леваев программали бошқарув вертикаль-фрезерлик станогининг ишга тайёрлигини текшириб кўраётир.

С. Величкин фотоси (ЎзТАГ).

РЕКЛАМА ЭЪЛОНЛАР

АНДИЖОН ШАҲРИДА
ЭЛЕКТРОМЕХАНИКА ТЕХНИКУМИ СПОРТ ЗАЛИ БИНОСИДА
(Киров кўчаси, 80-уй)
1986 ЙИЛ 17—18 ЯНВАРДА
ОРТИҚЧА ХАЛҚ ИСТЕЪМОЛИ МОЛЛАРИ УЛГУРЖИ САВДОСИ БЎЙИЧА

РЕСПУБЛИКА ЯРМАРКАСИ ЎТКАЗИЛАДИ

Ярмаркада қатнашиш учун ҳамма иттифоқдош республикаларнинг давлат савдо ташкилотлари ва матлубот жамиятлари вакиллари ҳамда ортиқча моллари бўлган корхоналарнинг вакиллари таклиф қилинадилар.

ЎЗБЕКИСТОН ССР САВДО МИНИСТРЛИГИ
«ЎЗБЕКБИРЛАШУВ»
«ЎЗПОСРЕДТОРГ»

ТУРИСТ

ТОШКЕНТ САЁҲАТ ВА ЭКСКУРСИЯЛАР БЮРОСИ

1986 йилнинг 1 кварталидан бошлаб
ҚУЙИДАГИ МАРШРУТЛАР БЎЙИЧА САМОЛЕТЛАРДА
Саёҳатга таклиф қилади

РЕЗЕКНЕ (Латвия) — **20 январдан 26 январгача; 17 мартдан 23 мартгача.**
ТАРТУ-КАУНАС — **24 февралдан 7 мартгача. Баҳоси 254 сўм.**
НАРВА—ПАНЕВЕЖИС — **19 январдан 29 январгача. Баҳоси — 264 сўм.**
ЯЛТА — **30 январдан 19 февралгача. Баҳоси — 283 сўм.** (ҳусусий сектор).
ЯЛТА — **11 мартдан 31 мартгача. Баҳоси — 283 сўм** (хусусий сектор).
ЕВПАТОРИЯ — **10 февралдан 29 февралгача; 9 февралдан 29 февралгача; 13 мартдан 22 мартгача. Баҳоси — 314 сўм** (хусусий сектор).
ЖЕЛЕЗНОВОДСК — **21 январдан 7 февралгача; 9 февралдан 26 февралгача. Баҳоси 215 сўм** (хусусий сектор).
ЕССЕНТУКИ— **14 январдан 2 февралгача; 4 февралдан 23 февралгача. Баҳоси — 215 сўм** (хусусий сектор).
КИСЛОВОДСК — **29 январдан 17 февралгача; 18 февралдан 9 мартгача; 10 мартдан 29 мартгача; 31 мартдан 19 апрелгача. Баҳоси — 250 сўм** (хусусий сектор).
ДАГОМИС (Лазаревскда) **23 мартдан 12 апрелгача. Баҳоси — 261 сўм** (хусусий сектор).
ЛАЗАРЕВСК — **15 январдан 4 февралгача; 5 февралдан 25 февралгача. Баҳоси 261 сўм** (дам олиш уйи).
СВЕТЛОГОРСК (Калининград области) **2 февралдан 11 февралгача. Баҳоси — 212 сўм** (пансионат).
ЛЕНИНГРАД (Репино) — **20 февралдан 1 мартгача. Баҳоси 212 сўм** (турбаза).

ОБЛАСТЬ КАСАБА СОЮЗ ТАШКИЛОТЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ТОШКЕНТ САЁҲАТ ВА ЭКСКУРСИЯЛАР БЮРОСИ 1986 ЙИЛГА ШАРТНОМАЛАР ТУЗИШНИ ТАКЛИФ ҚИЛАДИ.

Бюронинг иш тартиби: душанбадан жумагача — соат 10 дан 16.00 гача, танаффус 13 дан 14.00 гача, шанба куни — соат 9.00 дан 13.00 гача.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, Парадлар ҳиёбони, 5-уй. Телефонлар: 39-13-59, 39-43-73 (реализация бўлими).

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

ШИША ИДИШЧАДА... ДАРАХТ

Латвия университетининг ўсимликлар физиологияси лабораториясидаги шиша идишчалардан бирида қарағай ўса бошлади.

У зиғирдаккина дарахт пўстлоғидан униб чиқди. Пўстлоқ биологик актив моддалардан ҳосил қилинган тез ривожлантирувчи суюқликда куртак ёзди. Шаффоф суюқликнинг сиртида яшил ниҳолчалар кўрина бошлади. Эндигина униб чиқаётган ёш навдалар ҳозирданоқ бу ўсимлик игна барглилар оиласига мансублигидан далолат бериб турибди.

Шиша идишчаларда «туғилган» ниҳолчаларга ҳар хил биорегуляторлар ёрдамида таъсир қилиш бўлажак дарахт хусусиятларини оширишга имкон бермоқда. Масалан, унинг қоғоз маҳсулоти беришини кўпайтириш, қаттиқ совуқ, зараркунанда ва касалликларга чидамлилигини ошириш мумкин.

МЕТАЛЛ КИТОБЛАР

Тарихчилар ва археологларга бамбук парчаларига, папирусларга ва тош тахталарга битилган китоб намуналари маълум. Бироқ, бронзанинг ясси парчаларидан ясалган китобни кўпчилик билавермайди.

Улар XVII—XVIII асрларда Вьетнамда ясалганди. Табиийки, бронза китоблар мамлакатда жуда кам чиқарилган. Чунки, у вьетнамлик ҳунармандлар томонидан ноёб совғалар тариқасида ишланган. Бу китоб саҳифаларига Вьетнамнинг айрим қадимий шаҳарлари тарихига оид хроника текстлари ёзилган.

ҚУШЛАР БАЛАНД УЧА ОЛАДИМИ?

Дастлабки маълумотларга қараганда, узоқ ўлкаларга йўл олган майна тахминан 6 минг метр баландликда учар экан.

Ғозлар эса бу борада майнани ҳам ортда қолдиришаркан. Шимоли-Шарқий Осиёдан Ҳиндистонга учиб ўтаётган ғозлар 9 минг метр баландликдаги тоғлардан ҳам бемалол ошиб ўтадилар. Баланд учиш бўйича рекорд Африкада тасодифан самолётга тўқнаш келган калхатга тегишли эканлиги қайд этилди. У 12 километр баландликда фалокатга йўлиққан. Бироқ олимларни бошқа муаммо қизиқтирмоқда: қушлар ҳавоси сийрак фазода қандай уча олишар экан?

БИР ЙЎЛА САККИЗ ЭГИЗАК

Истамбулдан хабар қилишларича, 20 ёшли Севил Чапан бирданига саккиз фарзанд — беш ўғилу уч қиз кўрган. Ҳар бир чақалоқнинг вазни 400—500 грамм атрофида. Ҳозир ёш она ва чақалоқлар Измирдаги госпиталнинг интенсив терапия бўлимида врачлар назоратида ётишибди.

Редактор Л. ҚАЮМОВ.

ТУРИЗМ

ДАСТУРХОНДА ФАҚАТ ШАРБАТ

Туризм ва экскурсиялар бўйича Ўзбекистон республика Советига қарашли барча муассасаларнинг умумий овқатланиш корхоналарида хайрли ишга қўл урилди. Туристик меҳмонхоналар ошхоналарида дастурхонга ҳеч қандай ичкилик тортилмайдиган бўлди. Ошхоналар ҳузуридаги барлар ҳам янгича йўналиш касб этди. Уларнинг аксарияти «Тансиқ таомлар бари», «Мевали бар», «Витаминли бар», «Шоколадли бар», «Сутли бар» каби номлар билан аталмоқда. Туристларга бундай барларда лимонли, қаймоқли, ёзлик ва спортча каби тансиқ коктейллар тақдим этилмоқда. Енғоқли, бодомли, шоколадли сингари қайноқ ичимликлар, турли хил ширинликлар, бутерброд ҳамда сархил мева ва сабзавотлар меҳмонларга маъқул тушмоқда.

Илгари ичимликлар умумий товар оборот планининг 30—32 процентини ташкил этарди. Алкоголли ичимликларни дастурхонга қўйиш тўхтатилгандан кейин бундай тушумлар ҳозирча умум товар оборотнинг 25—26 проценти ҳисобида тўпланмоқда.

— Икки йилдан бери туризм ва экскурсиялар Фарғона область Советига қарашли «Дўстлик» ресторанининг барида ишлаб келаман, — дейди Р. Исҳоқов. — Сирасини айтганда, партия ва ҳукуматимизнинг алкоголизмни бартараф этишга қаратилган қарори кучга киргандан буён ўтган ойлар мобайнида меҳнат қувончи-ю ва самарасини сезяпман. Одамлар ўзларининг бўш вақтларини ҳушёрлик билан мароқли ва мазмунли ўтказишлари саломатликни мустаҳкамлаш омили бўляпти. Илгарилари кеч оқшомдан ярим тунгача ширакайф кишиларга муомала қилавериб чарчардим, кищи. Ҳозир эса туристларнинг вақтхушлиги учун оммавий-маданий ишларни ташкил этишга кўпроқ эътибор қилинмоқда.

Туризм ва экскурсиялар бўйича Бухоро область Советига қарашли «Гулистон» ресторанида ўзига хос базм уюштириш йўлга қўйилган. Бундай кечаларда бадиий қўшиклар, ҳаваскорларнинг чиқишлари ташкил этилмоқда.

Яқинда туризм ва экскурсиялар бўйича Тошкент область Советига қарашли «Чимён» туристик комплексида «Шоколадли бар» ташкил этилди. Биз бундан буён ҳам туристларнинг алкоголли ичимликларсиз мароқли дам олишларини уюштиришга аҳамият бераверамиз.

У. АҲРОРОВ,
туризм ва экскурсиялар бўйича Ўзбекистон республика Совети бўлими мудири.

ТИНИБ-ТИНЧИМАС КИШИЛАР

НОЁБ ОҲАНГЛАР ХАЗИНАБОНИ

Умрнинг ҳар бир дақиқасини қадрлай билган кишилар бўш вақтларини ҳам бекор ўтказишмайди. Биров сайроқи қушларга парвона бўлади, бошқа биров гулга шайдо. Айримлар уй ҳайвонларисиз ҳаётни тасаввур қила олмайди. Кимдир балиқ ови ишқибози. Баъзилар камёб китоб тўплаш билан шуғулланса, бошқалар боғбонликка меҳр қўйишган. Шахмат ўйнаш, спортнинг бирор турига мухлислик қилиш, очиқ ҳавода сайр, югуриш ҳам бўш вақтни мазмунли ўтказиш сирасига киради. Бундай тиниб-тинчимас кишиларнинг табиатига мос ҳалқаро атамалар ҳам бор. Қадимий қоғоз пулларини ҳам йиғиш — бонистика, туристик белгиларни тўплаш — нумизматика, кўкрак нишонларини жамғариш — фалеристика, гугурт қутиси этикеткаларига ишқибозлик— филумения, деб юритилади. Марка ва конвертларнинг энг қадимийларини излайдиганларни филателистлар дейилиши ҳаммага аён. Тошкентлик хушовоз хонанда Зокиржон СУЛТОНОВ эса ажойиб филофонист. У кўҳна ва замонавий грампластинкаларни тўплаб, ноёб хазина яратди.

— Бекорчидан эл безор. Врачлар бир меҳнат турини иккинчиси билан алмаштириш ҳам дам олишга киради, дейишади. Ленинградлик Виктор Тужилов деган киши турли миллат ва эллатларга оид 200 дан зиёд қошиқ тўплабди, — дейди Зокиржон. — Нима бу, эрмакми? Менимча, бўш вақтни маънили ўтказишга ҳаракат қилишдир. Менинг филофонист бўлишим ҳам қизиқ кечган. Болаликдаёқ қўшиқ айтишни машқ қилиб юрардим. Ғўравонлик пионерлар билан Катта Фарғона канали қурилиши азаматларига берилган концертда саҳнага чиқишга тўғри келди. «Мубталоман» ва «Айлагач» қўшиқларини хониш этишим кўпчиликка маъқул тушди. Менга бир даста пластинка совға қилишди. Пластинкалар Ҳалима Носирова, Тамарахоним, Муҳиддин Қориёқубов, Жўрахон Султонов, Маъмуржон Узоқов айтган қўшиқлардан иборат эди. Ана шу туҳфани авайлаб-асраш ва уларни кўпайтириш асносида грампластинкаларни йиғишга меҳр уйғонди.

«Граммофон пластинкаларини Варшава ва Ригадан биринчи бор отам Илҳомжон Инағомжонов келтирганлар. У кишининг ансамбли бўлиб, укалари Одилжон дутурда, кичик укалари Илёсжон чангда, ўзи эса камонда машқ қилишиб, Шобарот тамбурчи ва Муллатўйчи ҳофизни қўшганлар. Пластинкаларга овоз олишда Варшава граммофон заводидан уста чақириб, Муллатўйчи ҳофиз, Ҳамроқул Қори, Шоабдуазиз, Садирхон ҳофиз, Нетайхон, Хосиятхон ва бошқа бир қанчаларнинг овозларини Тошкентда ёздириб, пластинкаларни тайёрлатган».

Кекса врач Маъсуд Илҳомовнинг хотирасидан кўриниб турибдики, у кишининг отаси Илҳомжон Инағомжонов қўшиқчи овозини граммпластинкага кўчириб, диёримизга келтиришни йўлга қўйган. Зокиржон фақат турли пластинкалар тўплаш билан чекланмай, унинг тайёрланиш тарихига ҳам қизиқади. У ҳозир ўзига хос тарихга эга бир граммофон билан коллекциясини бойитиш иштиёқида. Маълумки, 1935 йили ўзбекистонлик санъаткорларнинг Лондонга қилган сафари катта муваффақият қозонган. Шўх рақс ва қўшиқлар соҳибаси Тамарахоним ҳақида газеталар «Шарқ марвариди» деб ёзишган. Сафар охирида санъатимиз эътирофи сифатида меҳмонларга — Тамарахоним, бастакор Тўхтасин Жалилов, моҳир доирачи Уста Олим Комилов ва найчи Абдуқодир Исмоиловларнинг қуй-қўшиқлари ёзилган пластинкалар билан грамафон тақдим этилган. Зокиржон ўша пластинкаларни сақламоқда. Лекин граммофонни ҳам ана шу ноёб овозлар ёнига қўйиш ниятида.

«Абдураҳмонбеги» пластинкаси 1912 йили Марғилонда ёзилган бўлиб, электромонтёр Кимсанбой акага дадам тақдим этган экан. Уни Кимсанбой аканинг қўшниси Искандар Қаландаров (ҳозир республикада хизмат кўрсатган маданият ходими) менга топиб берган. Шундан бери мен бу пластинкани сақлаб келаман. Қани энди ана шу қўшиқни ҳофизларимиз бурунгилар айтганидек ижро этишса. Ҳурмат билан Мамасиддиқ Мадалиев ва Искандар Қаландаров».

Ана шу қўшиқнинг магнит лентасидаги нусхаси Зокиржоннинг хазинасида. Ноёб қўшиқлар хазинабони мамлакатимиз турли шаҳарларидан ҳам мактублар олиб туради. Жумладан, ворошиловградлик Евгений Истомин: «Менда машҳур рус қўшиқчиси Ф. И. Шаляпиннинг Октябрь инқилобидан илгари айтган «Зашумелоразгулялось» номли пластинкаси бор. Ноёб грампластинкалар йиғаётганингизни эшитиб, сизга шуни тортиқ этишга аҳд қилдим», — деб ёзибди.

Зокиржон Султоновнинг ўзбек қўшиқчилиги тарихига оид ноёб грампластинкаларни тўплаши республикамиз маданият ва санъат намояндалари эътиборини ҳам қозонмоқда. Чунончи, қадимий грампластинкалар рўйхатга олинган дафтарда қуйидаги сўзларни ўқиш мумкин.

Ҳалима НОСИРОВА —СССР халқ артисти:

— Зокиржон Султоновнинг ноёб овозлар хазинаси бойиб бораётгани таҳсинга лойиқ. Октябрь инқилобига қадар ва ундан кейинги даврларда Истамбул, Лондон, Рига, Ленинград ҳамда Тошкент шаҳарларида тайёрланган пластинкалар эндиликда йўқолиб бораётганлиги табиий. Зеро, ўз даврининг севимли хонадонларининг хонишларини тошкентлик филофонист тўпламлари орасидан топиб, тинглаш имкониятига эгамиз. Зокиржоннинг санъатга ихлоси, устозларга муҳаббати туфайли тўпланган бетакрор овозлар қадри эса ошиб бормоқда. Қадимий ижрочилик услуби эса асқотмоқда. Хазина ўзбек музика маданияти ривожининг ўзига хос салномасидир.

Саодат ҚОБУЛОВА — СССР халқ артисти, Гулсуной РАҲИМОВА — педагогика фанлари кандидати, Ҳабиб РАҲМОНОВ республикада хизмат кўрсатган маданият ходими:

— Зокиржон Султоновнинг 40 йилдан бери ажиб қўшиқлар ёзилган пластинкаларни тўплашдаги муваффақиятлари эътирофга лойиқ. Турли даврларга оид 25 мингдан ортиқ грампластинкани йиғиш, айримларини магнит лентасига кўчириб қўйиш ўзига хос меҳнат самарасидир. У тўплаган «бойлик» ёш авлодга катта наф келтириши мумкин.

Аср бошида қўшиқ айтган хонандаларнинг овозини тинглашни ким истамайди, дейсиз. Ваҳолонки, Адолатхон, Нетайхон, Нинахон, Тўлахон каби қўшиқчи аёлларимизнинг овозлари ёзилган грампластинкалар 1902 йили Ригада тайёрланган.

Домлахалим Ибодов, Юнуе Ражабий, Муллатўйчи Тошмуҳамедов, Ҳожи Тамтам, Ҳожи Абдулазиз, Мамадали Ҳофиз, Маъмуржон Узоқов, Жўрахон Султонов, Ҳамроқул Қори, Бобоқул Файзуллаев, Садирхон Ҳофиз, Уста Шоди, Леви Бобохонов, Бобораҳим Мирзаев, Юсуфжон Қизиқ, Охунжон Қизиқ, Мукаррама Турғунбоева, Лутфихоним Саримсоқова, Ғаҳар Раҳимова... Филофонист тўплаган ноёб грампластинкаларнинг рўйхатини яна давом эттириш мумкин. Муҳими, унинг «хазина»си бойимоқда. Бундай хайрли ишни маъқул кўрганлар сафи кенгаймоқда. Тошкентлик Ҳабиб Раҳмонов яқинда ўзи сақлаб қўйган 500 та грампластинкани Зокиржонга беришни лозим топди. Унинг ҳамшаҳари пенсионер Козимхон Умаров ҳам бу борадаги бисотини филофонист билан баҳам кўрди.

Ноёб қўшиқлар хазинасини асраш мақсадга мувофиқдир. Унда тўпланган «бойлик» ҳозирданоқ радиоэшитиришлар ва телевидение кўрсатувларини тайёрлашда, тарихий фильмларни суратга олишда асқотмоқда. Лекин йиллар давомида қийинчилик билан тўпланган ноёб грампластинкаларни сақлаш ўзига хос муаммога айланган. Минг-минглаб пластинкаларни эҳтиёт қилиш учун филофонистнинг уй шароити торлик қилиб қолди. Зотан, ноёб ёзувлар ҳаваскорлар, музика мактабларининг талабалари-ю, консерватория ёшларига зарур. Назаримизда, «Оҳанг», «Қўшиқ», «Мусиқа» ё бўлмаса «Филофонист» деб аталувчи музей ташкил этилса ёки мавжуд музейларда махсус бўлим очилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети мутасаддилари бу борада бир фикрга келиб, шу муаммони ҳал қиладилар, деб умид қиламиз.

Ҳ. НОСИРОВ.

Об-ҳаво

Синоптикларнинг хабар қилишича, Ўзбекистонда ҳаво ўзгариб туради. Қорақалпоғистон АССР ва Хоразм областининг баъзи жойларида бироз ёмғир ёғади, қолган территорияда ёғингарчилик бўлмайди. Фарғона водийсининг баъзи жойларига кечаси ва эрталаб туман тушади. Жануби-шарқдан секундига 9—14, Бекобод районида 24—29 метр тезликда шамол эсади. Фарғона водийсида кечаси 0—5 даража совуқ, кундузи 4—9 даража иссиқ бўлади. Республика территориясининг шимолида кечаси 1—6, кундузи 5—10 даража иссиқ бўлади. Республиканинг қолган территориясида кечаси 3—8, кундузи 11—16 даража, жанубда эса 19 даражагача иссиқ бўлади.

(ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН ССР МЕҲНАТ ДАВЛАТ КОМИТЕТИ

ПРИМОРЬЕ ЎЛКАСИ, ВОЛГОГРАД, ТОМСК, АМУР ВА ИВАНОВО ОБЛАСТЛАРИНИНГ КОЛХОЗ ВА СОВХОЗЛАРИГА ИШЛАШ ВА ДОИМИЙ ЯШАШ УЧУН ОИЛАЛАРНИ ҚЎЧИРИШНИ УЮШТИРАДИ.

Кўчиш истагини билдирган гражданларни расмийлаштириш: **ВОЛГОГРАД ОБЛАСТИГА — 25 январгача, ТОМСК ОБЛАСТИГА — 22 февралгача, АМУР ОБЛАСТИГА — 10 мартгача, ПРИМОРЬЕ ЎЛКАСИГА — 3 апрелгача, ИВАНОВО ОБЛАСТИГА — 10 майгача.**

Кўчиш истагини билдирган оилаларга бир йўла тўланадиган нафақа берилади, мўлжалланган жойга бепул бориш ва юкларни ташиш таъминланади. Икки йил мобайнида квартира ҳаки тўлашдан озод қилинади, кўчувчилар кўчиб борган жойларида 8 йил муддатга солиқ тўлашдан озод қилинадилар.

Маълумотлар ва йўлланмалар олиш хусусида қуйидаги адресларга мурожаат қилинсин: шаҳарларда — область меҳнат бўлими ёки аҳолини ишга жойлаштириш бюроларига, Нукус шаҳрида — Қорақалпоғистон АССР Меҳнат Давлат комитети, районларда Қорақалпоғистон АССР Меҳнат давлат комитети ва область меҳнат бўлимларининг район вакилларига, Тошкент шаҳрида — Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд ва Привокзальная кўчасидаги 30-уй ҳамда аҳолини ишга жойлаштириш бюросининг район пунктларига.

БУТУНИТТИФОҚ ПАХТА УРУҒЧИЛИГИ ВА СЕЛЕКЦИЯСИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

лаборатория мудири: У. тип толали пахта навлари селекцияси (фан доктори ёки кандидати);

лаборатория катта илмий ходими: ғўза цитогенетикаси (фан кандидати);

лаборатория кичик илмий ходими: агрохимия ва пахтанинг янги навларини кўпайтириш (илмий даражасиз ёки фан кандидати).

КОНКУРС МУДДАТИ — 14 январгача.

Мурожаат учун адрес: 702147, Тошкент область, Орконикидзе райони, «Салор» алоқа бўлими.

Ўзбекистон ССР Маданият министрлигининг санъатшунослик институти коллективи институт ходими, санъатшунослик кандидати А. Ф. Назаровга отаси

Файзулла НАЗАРОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент политехника институтининг ректорати, партия ва жамоат ташкилотлари ҳамда саноат ва граждан қурилиши факультети коллективи факультет доценти Б. Асқаровга онаси

Каромат ЮНУСОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

5 ЯНВАРЬ ЯКШАНБА

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

МОСКВА-I. 9.00 — «Время». 9.45 — Ритмик гимнастика. 10.15—Ҳужжатли фильм. 10.25 — Спортлото. 10.35 — «Будильник». 11.05 — «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!». 12.05 — «Тонгги почта». 12.35 — «Саёҳатчилар клуби». 13.35 — Музикали киоск». 14.05 — «Қишлоқ янгиликлари». 15.05 — Мультфильм. 15.25 — «Балет ҳақида». 16.45 — Эртак ҳузурида меҳмонда». 18.30 — «Халқаро панорама». 19.15 — Мультфильм. 19.25 — А. Кристий романи асосида бадиий фильм. 21.30 — «Время». 22.05 — Фильм-концерт. 23.10 —Баскетбол. СССР чемпионати 23.40 — Янгиликлар.

МОСКВА-II. 9.00 — «Зарядкага сафланинг!» 9.15 — «Қурилиш ва архитектура». 9.25 — «Турнача парвозда». Бадиий фильм. 10.30 — Халқ куйлари. 10.45 — Совет Украинаси тасвирий санъати. 11.05 — Концерт. 12.00 — «Келажакдан келган меҳмон». Бадиий фильм 5-серия. 13.05 — Баскетбол. СССР чемпионати. 13.45 — «Рус тили». 14.15 — Мультфильм. 14.35 Ҳужжатли фильм. 15.05 — «Асли болаликдан». 16.00 — СССР халқ артисти А. Грибов. 17.00 — «Дунё ва ёшлар». 18.30 —Концерт 19.30 — «Мўъжизасиз-мўъжизалар». 20.30 — «Хайрли тун, кичкин тойлар». 20.50 — Тоғ чанғи спорти. Жаҳон кубоги. 21.30 — «Время». 22.05 — «Авлиё йорген байрами». Кинокомедия.

ТОШКЕНТ-I. 7.30 — Ритмик гимнастика. 7.50 — «Тонгги тароналар». 8.00 — «Врач маслаҳати». 8.10 — «Виргалиқда куйлаймиз». 8.30 — «Ахборот». 8.50 — Телефильм. 9.00 — «Время». 9.40 — «Республика мулки». Бадиий фильм. 2 серия. 10.50 «Истеъдод». 11.10 — «Қувноқ стартлар». 12.00 «Сиз севган қаҳрамонлар». 13.00 —«Фестиваль қор парчалари». 13.30 — Реклама. 18.05 — Мультфильмлар. 18.35 — «Еш сеҳргарлар». 19.20 — «Наштар». 19.30 — «Ахборот» 19.45 — «Киномозаика». 20.30 — «Ахборот». 20.50 — Концерт. 21.30 — «Время». 22.05 — Бадиий фильм.

ТОШКЕНТ-II. 16.15 — Қирғизистон телевидениесининг программаси.

РАДИО

БИРИНЧИ ПРОГРАММА: 8.30 — «Янги музикали ёзувлар». 9.15 — «Табассум». 10.15 — «С добрым утром!» 11.30 — Концерт. 12.10 — «Ишчинома». 13.00 — «Чорвадор». 13.30 — Концерт. 14.00 — Қишлоқ хўжалик ходимлари учун эшитириш. 15.40 — «Парвона». Спектакль. 18.15 — «Фан уфқлари». 18.30 — Дўстларимиз эстрадаси. 19.25 — «Ёшлик». 21.00 — «Халқаро кундалик». 21.10 — «Табассум». 22.30 — «Қиш оқшомлари». 23.30 Концерт.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.



Редакция адреси: 700047, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Хатлар ва оммавий ишлар бўлими телефонлари — 33-21-43, 32-53-16, 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06.

Р — 08509 Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Б.4. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12